



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 21 ноябрь, № 243-244 (9138-9139)

Жума

Сайтимицага ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИДА ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз аҳолиси 6 миллион нафарга кўпайди. Шунга мос равишда янги уйлар, йўллар ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш кўлами кенгайиб бормоқда. Утган даврда 210 миллион квадрат метр турар ва нотурар жойлар фойдаланишга топширилди. Аҳоли учун 565 мингта, аввалги йиллардагига нисбатан 10 баробар кўп хонадон қурилди.

Қурилиш материалларининг саноати учун ҳам катта имкониятлар яратилди. Унинг ҳажми сўнгги саккиз йилда 4 баробар ўсиб, жорий йилда 53 триллион сўмга, экспорти эса 1,1 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Энг муҳими, бу тармоқ Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм ва Жиззах вилоятларининг илгари саноати бўлмаган туманларида иш ўрни ва даромад манбаи яратадиган катта драйвер соҳага айланди.

Шу билан бирга, соҳада маҳсулотлар сифати ва стандартларга риоя этиш, логистика масалалари, янги бозорларга чиқиш билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Жумладан, ПВХ-қувур, фитинглар, пардозбоп тош ва қурилиш ойнаси ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар мавжуд бўлса-да, 2024 йилда ушбу маҳсулотлар кат-

та ҳажмда импорт қилинган кўрсатиб ўтилди.

Тақдимотда келгусидаги асосий режалар баён қилинди.

Хусусан, тармоқда 2,4 миллиард долларлик 112 та лойиҳани амалга ошириш, улар орқали 13,5 мингта иш ўрни яратиш режалаштирилган. Стратегик аҳамиятга эга 110 миллион долларлик яна 5 та йирик лойиҳа амалга оширилади. Келгуси йилларда лойиҳалар портфелини 3,5 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз бу лойиҳалар ҳар бир вилоят ва тумanning мавжуд захиралари, хомашё базаси ва логистика имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқишни зарурлигини таъкидлади.

Қўшни мамлакатларда 4 миллиард доллардан зиёд қурилиш материаллари бозори бор. Бундан ташқари, 26 мамлакатга 9 та маҳсулот экспортини кескин кўпайтириш имкони мавжуд.

Мутасаддиларга ҳудудлар ва тармоқларнинг экспорт имкониятларини тўлиқ ишга солиб, ташқи бозорларга чиқишни фаоллаштириш, экспортбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш топширилди.

Тақдимотда каолин захираларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам ўрганилди. Юртимиз-

да 1 миллиард тоннадан орტიқ каолин бўлишига қарамай, ҳар йили миллионлаб долларлик чинни импорт қилинаётгани қайд этилди. Шу боис келгуси йилда каолинни чуқур қайта ишлаш бўйича 515 миллион долларлик 40 та лойиҳани амалга ошириш ва 460 нафар мутахассис тайёрлаш режалаштирилган.

Тармоқда энергия самардорлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунгача 34 та корхонада энергия аудитининг ўтказилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ёқилғи миқдорининг камайишига эришилди.

Бу ишларни тизимли давом эттириб, ишлаб чиқарилаётган энергия тежовчи маҳсулотларнинг турини кенгайтириш, қурилишда фойдаланиладиган энергия тежамкор ва экологик маҳсулотларнинг улушини келгуси йили 25 фоизга, 2030 йилга қадар эса 35 фоизгача етказиш вазифаси қўйилди.

Маҳсулот сифати ва хавфсизлигини оширишда илм-фаннинг ўрни муҳимлиги, олимларимизнинг салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Бу борада Тошкент кимё-технология институти билан ҳамкорликда 4 та илмий лойиҳа амалга

оширилмоқда, Германия, Жанубий Корея ва Туркиядан олимлар жалб этилган. Амалиёт ва фан интеграциясини кучайтириш доирасида келгуси йилдан қурилиш материаллари йўналишидаги илмий лойиҳаларни молиялаштириш учун 30 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Корхоналарда рақамли бошқарув ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш орқали таннархни 5 — 10 фоизга қисқартириш мумкинлиги таъкидланди. Бундай тизимлар жорий этиладиган корхоналарни кўпайтириш мақсадида икки йил давомида 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши жараёнида қурилиш материаллари соҳаси ҳам халқаро талабларга мослаштирилмоқда. Утган даврда бу борада 125 та халқаро стандарт қабул қилинди. 2026 йилда бунини 166 тага етказиш муҳимлиги қайд этилди.

Президентимиз белгиланган режаларни амалга ошириш, юқори сифатли ва халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

Ў.А.

Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси.

УМУМИЙ ТАРИХДАН — УМУМИЙ КЕЛАЖАК САРИ

XXI асрнинг иккинчи чораги арафасида Марказий Осиё ҳудудида тараққиётнинг янги даври бошланди. Минтақа давлатларида мустақилликнинг дастлабки йиллари асосий эътибор иқтисодий барқарорлик ва сиёсий тизимни шакллантиришга қаратилган бўлса, бугунги кунга келиб интеграция, хавфсизлиқни таъминлаш, иқтисодий диверсификация ва глобал жараёнларда фаол иштирок этиш устувор мақсадга айланмоқда. Сўнгги йилларда минтақанинг географик жойлашуви, ресурс салоҳияти, транспорт йўлларини ва глобал ташаббуслар билан боғлиқлиги унинг стратегик қийматини янада оширди.

Муносабат

Дунё бўйлаб ҳукм сураётган глобал иқтисодий заҳирларидан узилишлар, шунингдек, иқлим ўзгариши, озик-овқат ва энергетика хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашиши фондида Марказий Осиёнинг халқаро муносабатларида аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Минтақа глобал иқтисодий ва сиёсий ландшафтни муҳим нуқта-си, интеграцион жараёнларнинг ташаббускори сифатида намоён бўлмоқда.

Қайд этиш лозимки, минтақамиз айти шу босқичга етгунча анча қийинчиликларни бошдан ўтказди. Мустақилликнинг илк йилларидаги иқтисодий мураккабликлар, чегаралар боразидаги келишмовчиликлар, мамлакатлар лидерларининг ўзаро тил топишмаслиги оқибатида совуқлашган муносабатлар туфайли юзага келган низоли ҳолатлар — буларнинг бари яқин ўтмишда атрофимизда ҳукм сурган воқеалик эди.

Яратганга шукрки, бугун биз тинчлик-тотувлик, яхши кўшничлик ва ўзаро дўстона муносабатлар ҳақида гапиргимиз ва бу биздек маданияти, тарихи, тили бир-бирига яқин, бир дарёдан сув ичиб, руҳияти бир илдиздан озик оладиган халқлар учун табиий ҳодиса эканига ишонч ҳосил қилганмиз.

Президентимизнинг яқинда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавхали мақоласидан айнан шу бирдамликни таъминлаш учун қандай мураккаб йўллар босиб ўтилгани, муаммолар ва уларнинг амалий ечимлари ҳақида сўз боради.

Мақолада таъкидланганидек, бу — ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган жараён эмас, балки умумий тақдир ва биргалликда тараққиёт этиш салоҳиятини англаб етган мамлакатларимиз етакчиларининг аниқ мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва сиёсий иродасини натижаси. Айни пайтда ушбу жараён ўзаро ишонч муҳитида тобора қизгин тус олаётгани Марказий Осиё мамлакатлари халқлари томонидан қўллаб-қувватланаётган минтақавий ҳамкорлик кенг кўламдаги заруратга айланганидан далолатдир.

Сўнгги йилларда ўзаро ишонч ва ҳамкорлик сезиларли даражада ошгани ва бутун минтақа бўйлаб кузатилаётган бунёдкорлик кайфияти, ўзаро яқинлашув жараёнлари туфайли Марказий Осиё XXI асрнинг глобал геосиёсий ва

иқтисодий контекстида ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам ўтказиб келинаётган Маслаҳат учрашувлари, ўзаро савдо алоқаларининг ўсиши, сув, энергетика ва экология соҳасидаги кўшма стратегиялар, ҳамжихатликда ривожланишга қаратилган ташаббуслар янги сиёсий муҳитни вужудга келтириб, минтақанинг ягона иқтисодий-сиёсий майдон сифатида шаклланишига асос солди.

Мақолада таъкидлаб ўтилганидек, Маслаҳат учрашувлари формати йўлга қўйилган 2017 йил минтақавий ҳамкорлик тарихида туб бурилиш эсади. Минтақа етакчилари кўп йиллар мобайнида биринчи марта ташқи воситачилариз тизими ва мунтазам мулоқотни бошлади. Бу ишончга, очкиллик ва умумий манфаатларни англашга асосланган янги тафаккур рамизига айланди. Айнан Маслаҳат учрашувлари доирасидаги мулоқот туфайли эски даврдан қолган бир қатор келишмовчиликларни бартараф этиш ва ишончсизликдан ҳақиқий ҳамкорликка ўтишга эришилди.

Бу борада энг муҳим ютуқлардан бири — чегара масалаларининг узил-кесил ҳал этилгани. Қўшнилар билан ўзаро чегараларнинг барчаси илк бор ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди ва ўнлаб йиллар давомида кескинлик манбаи бўлиб келган масалага нуқта қўйилди. Айниқса, жорий йилда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч давлатнинг чегаралари туташиб нукта тўғрисидаги Шартнома ва Хўжанд декларациясининг имзолангани катта тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеадир.

Албатта, бугун биз ҳақли равишда ютқ сифатида баҳолаётган, минтақа халқларининг турмуш тарзига ижобий таъсир қўрсатаётган интеграцион жараёнлар замирида фаол саъй-ҳаракатлар мавжуд. Мақолада санаб ўтилган келишувлар, битимларга қисқа вақт ичида эришилди ва у бугун бутун бир минтақа ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, нафақат Марказий Осиёни, балки дунёнинг каттагина қисмини ҳалокат гирдобига тортаётган экологик муаммолар, сув танқислиги масаласи ҳам ўзининг оқилона ечимини топди дейиш мумкин.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАҚДИРИ ВА ТАРАҚҚИЁТИГА СТРАТЕГИК ЁНДАШУВ

«Жаҳон тартиботининг кенг кўламда трансформацияга учраши, глобал иқтисодий тартибга қаратилган ҳаттарал, иқлим ўзгариши, озик-овқат ва энергетика хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашиши бораётгани саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш йўлидаги интилишимизни кучайтирди. Буларнинг барчаси Марказий Осиё давлатларидан

янада гипс ва ҳамжихат бўлиб ҳаракат қилишни тақозо этади. Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш шунчаки сиёсий мақсад эмас, балки стратегик заруратдир. Марказий Осиё барқарорлик ва бунёдкорлик ҳудудига, минтақавий ўзаро боғлиқлик барқарор ривожланиш ва хавфсизлик учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётганининг намунасига айланди».

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг

«Марказий Осиё янги давр остонасида» сарлавхали мақоласидан.

Дунё нигоҳи

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 13 ноябрда матбуотда эълон қилинган “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавхали мақоласи нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақада, жаҳонда катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Бугунги кунда минтақада юз бераётган ҳаётбахш ўзгаришлар, қўшни мам-

лакатларнинг ўзаро ҳамкорликда олиб бораётган ташқи сиёсати, азалдан қардошу жондош бўлиб яшаб келган халқларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқаётгани аниқ мисоллар асосида ёритилган, шунингдек, Янги Марказий Осиёни бунёд этиш йўлида галдаги устувор вазифалар кўрсатиб берилган бу мақола дунёнинг нуфузли оммавий ахборот воситаларида тез-тез тилга олинмоқда. Ундан таниқли сиёсатшунос олимлар, соҳа

эксперт ва мутахассислари ўз чиқишларида иқтисодлар келтирмоқда. Мақола жадал геосиёсий ўзгаришлар даврида Марказий Осиёнинг роли тўғрисида ва ижтимоий-иқтисодий трансформациялар бўйича минтақавий ҳамкорликнинг замонавий доктринасини шакллантирувчи фундаментал дастурий ҳужжат сифатида баҳоланмоқда.

4 ва 5-саҳифаларга қаранг. ➡

Анжуман

ТўЛИҚ ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ШЕРИКЛИК

Кеча Тошкент шаҳрида меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, масъулиятли ишлаб чиқариш ва тўқимачилик саноатида барқарор стандартларни жорий этишга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева иштирок этди.

Сенат Раиси ўз нутқида сўнгги йилларда мамлакатда барча соҳада чу-

қур ва тизимли ислохотлар амалга оширилгани, айниқса, меҳнат муносабатлари ҳамда мажбурий меҳнатни бартараф қилиш йўналишидаги ўзгаришлар тарихий аҳамиятга эга эканини таъкидлади.



ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ

2025 йилнинг январь — сентябрь ойларида

59,8 млрд.
АҚШ долларини ташкил этди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси, “Миллий тикланиш” демократик, Халқ демократик партиялари фракциялари ҳамда Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи ҳамкорлигида “Касбий таълим сифатини ошириш — ёшлар бандлигини таъминлашнинг муҳим омили” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда депутатлар, Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари, Ёшлар ишлари

агентлиги мутасаддилари, Парламент тадқиқотлари институти ходимлари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.



УМУМИЙ ТАРИХДАН – УМУМИЙ КЕЛАЖАК САРИ

Яқин-яқингача кескин келишмовчиликларга сабаб бўлиб келган сув-энергетика соҳасида ҳам принципиал ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган “Камбарота ГЭС-1” лойиҳасини биргаликда амалга ошириш тўғрисидаги битим, Тошкент ва Бишкек ўртасида Чашма булогидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги келишув, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон ўртасида Баҳри Тожик сув омборини вегетация даврида келишилган тартибда ишлатиш бўйича, шунингдек, Туркменистон билан ҳуқуқатларо битим доирасида Амударё сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан келишувлар узоқ йиллик зиддиятларнинг ечимига аққол мисол бўла олади.

Минтақа давлатларининг “олтин ўрталик”ни топгани қардош халқлар тақдирига дахлдор муаммоларни бартараф этиш билан бир қаторда, дунё мамлакатларининг ҳам Марказий Осиёга ягона макон сифатида нигоҳ ташлашига сабаб бўлди. Президентимиз мақоласида айтиб ўтилганидек, илгари ташқи ҳамкорлар алоқаларни, асосан, икки томонлама асосда қурган бўлса, бугунги кунда дунёнинг етакчи давлат ва бирлашмалари Марказий Осиё билан муносабатларини яхлит минтақавий шерик сифатида ривожлантирмоқда.

Бу жараёнлар натижасида эса дунё харитасида бешта алоҳида давлатдан иборат Марказий Осиё эмас, минтақавий бирлики ифода этувчи ягона макон юзага келмоқда. Бундай бирлашувнинг замирида эса ўзаро ишонч, қатъий сиёсий ирода ва 80 миллиондан ортиқ аҳоли тақдирига дахлдор муштарак мақсадлар ётибди.

Президентимиз бу борада фикр юритар экан, Марказий Осиёнинг ҳар

бир давлати ўз сайё-ҳаракатларини иқтисодийни ривожлантириш, ишончли мустақамлаш, минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтириш орқали минтақамиз барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлашга сезиларли ҳисса қўшаётганини таъкидлайди. Хусусан, Қозоғистон транспорт йўлларини фаол ривожлантирмоқда, чегара пунктларини модернизация қилмоқда, савдо тўсиқларини бартараф этмоқда ва маданий-гуманитар алмашинув бўйича лойиҳаларни амалга оширмоқда. Қирғизистон ва Тожикистон музликларнинг эриши билан боғлиқ масалаларда изчил ҳамкорлик қилмоқда, энергетика тизимларини модернизация қилиш ва транспорт жиҳатдан ўзаро боғлиқликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширмоқда. Туркменистон тинчлик ва ишончли мустақамлаш, минтақанинг транспорт-транзит салоҳиятини ошириш, БМТнинг Орол ҳавзаси ва иқлим технологиялари бўйича дастурини қабул қилишга доир муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда.

Президентимиз Марказий Осиёдаги демографик жараёнларни таҳлил қилиб, минтақа аҳолисининг ўртача ёши атиги 29 ёшни ташкил этаётганини, олдимизда бу ресурсни тарққийёт ва инновационинг қудратли омилга айлантириш, ёшларимизнинг истеъдоди ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шариот яратиш ва зарур бўлган раҳбарнинг узоқни кўра давлатчилик сифатида нафақат бугунги кунимиз, балки келажакимиз учун ҳам қайғураётганининг аққол намунаси.

Умуман, Президентимизнинг юксак минбарларда туриб сўзлаган нутқлари, оммавий ахборот воситаларида ёритилган мақолалари билан тани-

шар эканмиз, уларда нафақат бугунги кундаги, балки узоқ муддатли тарққийётимизни таъминлашга қаратилган кўплаб эзгу ғоялар ва ташаббусларни кўрамиз. “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласи ҳам бундан мустасно эмас. Унда давлатимиз раҳбари Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва ривожланиш суръатларини таъминлаш билан боғлиқ қатор омилларни ҳам санаб ўтар экан, минтақавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, таҳдид ва хатарларга

кенгайтириш, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва рақамли иқтисодиёт соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш зарурлигини таъкидлайди. Иқлим ўзгаришларига мослашиш, трансчегаравий сув ресурслари ва биологик хилмаҳилликни асраш, “яшил” энергетика ва кам угле-роғли технологияларга ўтиш бўйича биргаликдаги сайё-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозимлигига ургу беради.

Ҳар доим бўлганидек, Президентимиз

“Минтақа давлатларининг “олтин ўрталик”ни топгани қардош халқлар тақдирига дахлдор муаммоларни бартараф этиш билан бир қаторда, дунё мамлакатларининг ҳам Марказий Осиёга ягона макон сифатида нигоҳ ташлашига сабаб бўлди. Президентимиз мақоласида айтиб ўтилганидек, илгари ташқи ҳамкорлар алоқаларни, асосан, икки томонлама асосда қурган бўлса, бугунги кунда дунёнинг етакчи давлат ва бирлашмалари Марказий Осиё билан муносабатларини яхлит минтақавий шерик сифатида ривожлантирмоқда.”

қарши курашиш бўйича умумий салоҳиятни шакллантириш борасида олдимизда турган вазифалар ҳақида сўз юритади. Иқтисодий соҳада ички минтақавий савдонини ривожлантириш, чегаралардан ўтиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва ўзаро инвестициялар учун қулай шариотлар яратиш муҳимлигига эътибор қаратади. Саноат кооперациясини фаоллаштириш, минтақавий ва худудлараро етакчи бериш заنجирларини шакллантириш, чегаралардан савдо зоналарини ривожлантириш, транспорт ва иқтисодий йўлақлар тармоғини

миз гуманитар ҳамкорлик масалаларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Бу борада умумий ахборот маконини яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш сифатини ошириш, ижтимоий соҳани, жумладан, туризмни ва ёшларга оид қўшма дастурларни ривожлантириш халқларимиз ўртасидаги ўзаро англашувни мустақамлашга бевосита хизмат қилишини таъкидлайди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда тобора муҳим аҳамият касб этаётган ташқи сиёсат борасида фикр юритар экан, Марказий Осиё мамлакат-

ларининг келишилган ёндашувларини ишлаб чиқиш муҳим йўналиш эканлигини қайд этади. Геосиёсий беқарорлик тобора ортиб бораётган ва жаҳон куч марказлари ўртасида рақобат кучайган шариотда минтақа давлатларининг халқаро майдондаги позицияларини мувофиқлаштириш барқарорлик ва умумий манфаатларни ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланаётганини, шу боис асосий ҳамкорлар билан прагматик алоқаларни йўлга қўйишда ўз самарадорлигини исботлаган “Марказий Осиё плюс” форматларини янада ривожлантириш зарурлигини айтиди.

Шуни эътироф этиш керакки, Президентимизнинг сайё-ҳаракатлари ва яқин қўшнилар билан олиб бораётган оқилона ташқи сиёсати натижасида бугун кучли, барқарор ва фаровон минтақа — Янги Марказий Осиёнинг мустақам ва пойдевори яратилди. Буни нафақат биз, балки бугун дунё жамоатчилиги бир овоздан эътироф этмоқда.

Мақолада билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғоялар минтақа мамлакатлари ўртасидаги парламентлараро алоқаларнинг ҳам кун тартибининг белгилаб беради. Бундан, қўшни давлатлар билан парламент алоқаларини янада мустақамлаш ва умумий мақсадлар сари сайё-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ўзаро ҳамкорлик муносабатларида муҳим ўрин тутаяди.

Президентимизнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари билан учрашувларда, халқаро анжуманларда халқларни, маданиятларни бирлаштиришда, мамлакатлараро яқин ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишда парламент дипломатиясининг ўрнига алоҳида эътибор қаратиши бежиз эмас. Хусусан, Туркменистондаги “Аваза” миллий сайёхлик зо-

насида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашувида ҳам минтақавий ҳамкорлик жараёнларига барқарор тус беришда “халқ дипломатияси”, парламентлар, фуқаролик жамияти институтлари ва медиа соҳаси салоҳиятидан янада кенг фойдаланиш муҳим эканини таъкидлаган эди.

Мамлакатимиз етакчисининг парламентлараро ҳамкорликка оид ташаббуслари моҳиятан стратегик ва институционал бўлиб, улар минтақавий интеграция жараёнларида вакиллик органларининг роли нақадар муҳим эканини кўрсатади. Парламентлар орасидаги алоқаларнинг кенгайтириши “халқ дипломатияси” ва жамоат институтлари орқали ҳамкорликни янада мустақамлашди, минтақада демократик институтларнинг ривожланиши учун ижобий сигнал бўлади. Шунингдек, парламентлар ўзаро комиссиялар, қўшма қўмиталар ва форумлар орқали “парламент дипломатияси”ни амалга ошириб, ишончли мустақамлаш ва давлатлар ўртасидаги ҳамжихатликни кучайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг мақолада келтириб ўтилган режалари нафақат иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга, балки минтақавий барқарорлик, транспорт-инфраструктура, экология, маданий ва илмий интеграцияни ривожлантиришга қаратилган. Бу ташаббуслар амалда муваффақиятли ҳамкорликни мустақамлаш учун катта имкониятлар ашитгани очди. Минг йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган ушбу заминдаги бирлашув, яратувчанлик ва бунёдкорлик жараёнлари ортага қайтмас йўл бўлиб, бунда тинчлик, барқарорлик ва умумий фаровонлик сари биргаликда қадам ташлаш барча давлатлар олдидаги тарихий масъулиятдир.

«Бизнинг ҳуқуқимиз, бизнинг овозимиз»



БОЛАЛАРНИНГ ИЖТМОИЙ ҲАЁТДАГИ ИШТИРОКИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенати биносида 20 ноябрь — Бутунжаҳон бола ҳуқуқлари куни муносабати билан “Бизнинг ҳуқуқимиз, бизнинг овозимиз” мавзусида мамлакатимиз ёшлари иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Тадбирда Болалар омбудсмани, Ўзбекистондаги ЮНИСЕФ ваколатхонаси раҳбари, Мактабгача ва мактаб таълими вазири, Ёшлар ишлари агентлиги директори, 200 нафар экология фаоли ҳамда 400 нафардан ортиқ ёшлар онлайн тарзда қатнашди.

Мазкур мулоқот болалар ҳуқуқлари, уларнинг ижтимоий, таълим ва экологик масалаларда иштирокини рағбатлантиришга бағишланди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мулоқотнинг барча иштирокчиларини самимий қутлар экан, болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, соғлиқни сақлаш, таълим тизими, ижтимоий ҳимоя ҳамда махсус эҳтиёжли болаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ютуқлар ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, Ўзбекистонда болалар ва ёшлар учун барқарор, соғлом муҳит яратиш, экологик онг ва жа-вобгарликни шакллантириш йўлида қилинаётган сайё-ҳаракатларни таъкидлади. Жумладан, “Замин” халқаро жамоат фонди орқали “Ўзбекистон эко мактаблари” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар қайд этилди.

Болаларнинг экологик билим ва ҳуқуқларини мустақамлаш бўйича миллий платформалар яратилиб, ёшларнинг иқлим ўзгариши ҳамда “яшил” технологиялар бўйича билимлари ривожлантирилаётгани эътироф этилди.

Тадбир давомида болаларга ўз ташаббус ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экологик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича инновацион ечимларни тақлиф этиш ва фаол фуқаролик позициясини кўрсатиш имкониятлари яратилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Тўлиқ ишончга асосланган шериклик

Анжуманда 2024-2025 йилларда “Better Cotton Initiative” томонидан амалга оширилган асосий ислохотлар — сертификатлаш тизимига тўлиқ ўтиш, регенератив қишлоқ хўжалиги стандартларининг янги бошқича кўтарилиши, “BCI”нинг янгилашган лейблининг жорий қилиниши ҳамда Ўзбекистон бўйича мустақил мониторинг натижалари тақдим этилди.

Таъкидланганидек, ўзбек пахтасига нисбатан “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан қўлланилган бойкотнинг бекор қилиниши Ўзбекистонда амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг халқаро

миқёсдаги энг йирик эътирофларидан биридир. Шунингдек, Ўзбекистон ва халқаро ҳамкорлар ўртасидаги муносабатлар “мониторинг ва назорат” босқичидан “тўлиқ ишончга асосланган шериклик” босқичига ўтгани алоҳида айтилди.

Мамлакатда ҳар йили Давлат меҳнат инспекцияси, Касаба уюшмалари Федерацияси, мустақил экспертлар ва фуқаролик жамияти ташкилотлари иштирокида кенг қўламли мониторинг ўтказилиши давом эттирилаётгани маълум қилинди.

Сенат Раиси Ўзбекистоннинг “BCI”, халқаро ташкилотлар, йи-

рик глобал брендлар ва сертификатлаштириш институтлари билан ҳамкорлиги изчил кенгайтирилиши таъкидлади. Шунингдек, мамлакат барқарор ишлаб чиқариш, “ESG” тамойилларини қўллаш, “due diligence” амалиётларини жорий этиш ва таъминот заنجирларининг тўлиқ шаффофлигини таъминлаш борасида очиқ мулоқот ва қўшма ташаббусларга тайёр эканини қайд этди. Соҳада кенг қўламли модернизация амалга оширилгани ҳамда кластерлар учун янги имкониятлар яратилганини айтиб ўтди.

Хусусан, тўқимачилик корхоналари модернизация қилинди, Енгил саноатни ривожлантириш

агентлиги ва унинг ҳузурда Жамоатчилик кенгаши очилди, кластерларга молиявий имтиёзлар ҳамда имтиёзли кредитлар берилди, шунингдек, солиқ-боххона енгилликлари, рақамли сертификатлаш ва халқаро стандартларга мос сифат назорати тизимлари жорий этилди.

Ушбу ўзгаришлар кластерларнинг “даладан — тайёр маҳсулотгача” тўлиқ заنجир асосида самарали ишлашини таъминлаб, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига интеграциясини сезиларли даражада кучайтирмоқда.

“BCI” сертификати Ўзбекистон миллий тўқимачилик маҳсулотларининг жаҳон бозорига кенг ки-

риб бориши ва глобал брендлар билан ҳамкорлик имкониятларини янада ошираётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон бугун тўқимачилик саноати бўйича минтақадаги энг очиқ, барқарор ва узоқ муддатли ҳамкорлик учун қулай бозорлардан бирига айланган. Халқаро брендлар, инвесторлар ва ишлаб чиқарувчилар қизиқиши ошган, улар учун мамлакатда ишончли ҳамда қулай инвестицион муҳит шаклланди.

Анжуман якунида иштирокчи томонлар ўртасида ўзаро англашув меморандуми ва келгусидаги фаолият учун “Йўл харитаси” имзоланди.

«Халқ сўзи».

Ўзаро мулоқотларни фаоллаштиришга келишиб олинди

Кеча Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳларнинг биринчи йиғилиши онлайн форматда ўтказилди.

Йиғилиш

Унда икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар мустақамлаш билан бораётгани таъкидланиб, улар мустақам тарихий асосларга эга экани ҳамда ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида ривожланаётгани айтилди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш, инвестиция, экспорт, туризм, маданият, таълим, қишлоқ хўжалиги, миграция, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги муносабатларни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Парламент аъзолари Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги алоқаларни, жумладан, савдо-иқтисодиёт, инвестиция соҳаларида янада ривожлантиришга эътибор қаратди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги, иқтисодий ҳамда инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш, худудлараро алоқаларни тараққий топтириш, халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустақамлашда парламентлар иштирокини ошириш лозимлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида қўшма ташаббусларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида парламентлараро мулоқотни фаоллаштиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҚАМЛАШ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, Истанбул шаҳрида ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг йиллик йиғилишида иштирок этаётган Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Одилов Маматқаримов йиғилиш доирасида “Руминия — Ўзбекистон” парламентлараро гуруҳининг раиси, ЕХХТ ПА вице-президенти Габор Ҳаджу билан учрашув ўтказди.

Учрашув

Унда икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро алоқаларни мустақамлаш, қонун ижодкорлиги фаолиятида ўзаро тажриба алмашиш, савдо-иқтисодий ва маданий шерикликни фаоллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон — Руминия муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, шунингдек, томонларнинг халқаро

ро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, ўзаро савдо ҳамжларини кўпайтириш, қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида икки давлат парламентлари ўртасида алоқаларни янада мустақамлашга хизмат қилувчи мулоқотларни мунтазам ўтказишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

Жорий йилнинг август ойида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасаларидан бири — АКШнинг Жон Хопкинс университети ўртасида ҳамкорликка оид меморандум имзоланган эди.

Ҳамкорлик

Европа тадқиқот институти моделига асосланган биринчи АКШ университети сифатида

танилган мазкур таълим даргоҳи доимий равишда дунёдаги энг нуфузли илмий марказ-

лар қаторида қайд этилмоқда. Имзоланган меморандум энергетикада барқарор ривожланиш, корпоратив бошқарувни тақомиллаштириш, “ESG” тамойиллари (экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув) асосида фаолият юритиш ҳамда илгор халқаро тажриба алмашинувига қаратилган.

Ҳамкорлик доирасида

халқаро тренинглар ва ўқув курслари — барқарор ривожланиш, “ESG” стандартлари, молиявий ва номолиявий ҳисоботлар, корпоратив бошқарув соҳаларида билим ҳамда кўникмаларни кенгайтириш, қўшма тадқиқот лойиҳалари — гидроэнергетика ва “яшил” технологияларга оид инновацион ечимлар ишлаб

чиқиш каби муҳим ташаббуслар амалга оширилаётди. Мазкур меморандум ижроси “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг халқаро имижини мустақамлаш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва экологик жиҳатдан барқарор гидроэнергетика тизимини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».

Мираббос Абдулҳақович МИРЗААҲМЕДОВ



Миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг атоқли намоёниси, машҳур режиссёр ва телебошловчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мираббос Абдулҳақович Мирзааҳмедов шу йил 19 ноябрь куни 84 ёшида вафот этди.

М. Мирзааҳмедов 1941 йил 30 сентябрда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент театр ва расомлик институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)да кино ва театр санъати актёри мутахассислиги бўйича таҳсил олди.

Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон телерадиокорпорациясида режиссёр ёрдамчиси сифатида бошлаган истеъдодли санъаткор 60 йилдан зиёд вақт мобайнида "Ёшлар" тахририяти режиссёри, бош режиссёри, "Ўзбекистон" телеканалининг олий тоифали режиссёри, "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатувининг режиссёри ва бошловчиси каби лавозимларда самарали хизмат қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида долзарб мавзу ва жанрларда тайёрланган эшиттириш ва кўрсатувлар, бадиий видеофильмлар миллий руҳи, теран мазмуни, халқчиллиги билан миллионлаб мухлислар қалбидан ўрин олди. Айниқса, устоз режиссёр томонидан тасвирга олинган "Баҳор қайтмайди", "Излайман", "Қалбинга қулоқ сол", "Баҳс", "Уч илди", "Дунёнинг ишлари" каби асарлар ўз даврининг ёрқин телефильмлари сифатида маданиятимиз хазинасидан муносиб жой эгаллади.

М. Мирзааҳмедов ўзининг нуруний ва донишманд кифёсига, кўп йиллик билим ва тажрибаси билан марказий телеканалларимиз орқали 40 йилдан буён намоён бўлиб келинаётган "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатувига янгилик ва мазмун олиб кирди ҳамда ушбу дастур орқали жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоий-маънавий муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратиш, эл-юртимиз, айниқса, ёшлар ўртасида оила ва Ватанга муҳаббат, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат ғояларини тарғиб этишга катта ҳисса қўшди.

Бутун умр доимо изланиб, халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб келган заҳматкаш ижодкор ўзига хос маҳорат ва тажриба мактабини яратиб, қўллаб ёшларга устозлик қилди.

М. Мирзааҳмедовнинг мамлакатимиз маданияти ва санъатини ривожлантириш йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони, "Меҳнат шўхрати" ва "Дўстлик" орденлари билан мукофотланди.

Таниқли санъаткор, самимий ва камтарин инсон, ёшларнинг меҳрибон устози Мираббос Мирзааҳмедовнинг хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, С. ТУРДИЕВ

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш, таълим ташкилотлари битирувчиларининг меҳнат бозорига интеграциясини кучайтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш бўйича кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, касбий таълим соҳаси ҳамда иш ўринларини ташкил этишга оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий база яратилиб, доимий тақомиллаштириб боришмоқда. Хусусан, "Таълим тўғрисида"ги, "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонунлар билан таълим соҳасидаги ва иш ўринларини ташкил этишга оид муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди.

Тадбирда бугунги кунда алоқадор вазирилик ва идоралар томонидан ёшларнинг бандлигини таъминлаш, таълим ташкилотлари битирувчиларининг меҳнат бозорига интеграциясини кучайтириш бўйича қатор ишлар рўйбга чиқарилаётгани кайд этилди. Хусусан, ишсиз ва бизнесини бошлаш истагини 384,4 минг йилгит-қизни қўллаб-қувватлашга қаратилган "Ёшлар бандлиги дастури" қабул қилиниб, 161,5 минг ёш бандлиги таъминланган. Давлат идораларининг 4 546 нафар раҳбари 115,8 минг ишсиз ёшга масъул қилиниб, 67,2 минг ёшнинг бандлиги кўмаклашилган. "Ёшлар дафтари"га киритилган 5,8 минг йилгит-қизга субсидия ажратилиб, ўзини ўзи банд қилишга эришилган.

Бундан ташқари, ўтган даврда республика бўйича 400 та умумтаълим мактабига ўқувчиларни касб-ҳунарга ўқитиш тизими жорий этилган. Ушбу мактабларда 25 746 нафар 10 — 11-синф ўқувчиси 2 та йўналиш — замонавий ахборот технологиялари ва ишчи касбларга оид мутахассисликларга ўқитилмоқда.

Камбағал оила фарзандларини қўшимча таълимга жалб қилиш мақсадида эса "kelajak.uzedu.uz" платформаси ишга туширилиб, 8 мингдан ортиқ мактаб, ўқув марказлари ва тадбиркорлар томонидан 25 минг тўғарақ хизматлари тақлиф этилмоқда. Бунинг учун ўқитиш харажатларининг 80 фоизини Давлат бюджетидан қўллаб бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Давра суҳбатига бу борадаги сайёҳаракатлар изчил давом эттирилиши таъкидланди. Жумладан, 2025 йил якунига қадар 224,4 минг ишсиз ва таълим муассасалари битирувчиси бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади. Бунинг учун давлат идоралари раҳбарлари томонидан ишсиз ёшларнинг 60,1 минги иш берувчи корхоналарга жойлаштирилади. "Ёшлар бандлиги дастури" орқали 164,3 минг йилгит-қиз ҳорижий тиллар ва замонавий касбларга ўқитилиб, бандлиги таъминланади. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси томонидан навқирон авлод вакилларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 1,5 трлн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилади.

Муҳокамалар давомида депутатлар соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, касбий таълим сифатини ошириш, ёшлар бандлигини таъминлаш борасида айрим камчиликлар кузатилаганини кайд этди. Касбий таълим ташкилотларининг битирувчи талаба-ёшларини меҳнат бозорига интеграция қилиш, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш бўйича қатор тақлифлар берилди.

Яқунда мазкур тақлифлар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

МИЛЛИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР БАЖАРИЛИШИГА ОИД МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси томонидан Кишлоқ ва Сув ҳўжалиги вазириликларининг "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг ижроси ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тўғрисида"ги ахборотлари эшитилди.

Эшитувда Кишлоқ ҳўжалиги вазирилик томонидан барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўтган даврда аграр ва озиқ-овқат соҳасида 99 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уларнинг 52 таси қабул қилинган. Хусусан, "Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Кишлоқ ҳўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида"ги қонунлар билан соҳадаги муҳим вазифалар белгиланган.

Шунингдек, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида кишлоқ ҳўжалигида 159,1 трлн. сўмлик деҳқончилик, 193,6 трлн. сўмлик

самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация тадбирлари амалга ошириш, ерларни лазерли текислаш, сувни тежовчи агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан йиллик 10 млрд. кубометргача сув тежалишига эришилган.

Ўтган даврда 1 586 км. каналлар, 310 км. суғориш тармоқлари, 102 та гидро-техника иншооти, 29 та насос станцияси, коллектор-дренаж тармоқларининг 1 017 км. қисмида қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 32 755 км. қисмида таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилган.

Амалга оширилган ирригация ва мелiorация тадбирлари натижасида 2023 — 2025 йилларда 1,3 млрд. кубометр сув иқтисод қилиниб, 858 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланган, 51 минг гектар майдон қайта фойдаланишга киритилган, 319 минг гектар

майдоннинг мелiorатив ҳолати яхшиланган, минг гектар шўрланган майдонлар қисқаришига эришилган.

Эшитувда вазириликлар томонидан жисмоний ва юридик шахслар муносабатлари бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Соҳада юзага келаётган тизимли камчиликлар ва уларни бартараф этиш мақсадида доимий ўрганишлар ўтказиб, камчиликларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда масалаларни ҳал этиш чораларини кўриш зарурлиги айтиб ўтилди.

Ўзаро мақсадли мулоқотлар асосида соҳани тақомиллаштириб бориш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан тақлифлар берилди.

Кун тартибидоги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



БРМ: ИЖРО САМАРАДОРЛИГИ ВА КОНСТРУКТИВ ТАҚЛИФЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазириликнинг "БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, ифлосланишининг олдини олиш, оқова сувларни хавфсиз тарзда қайта ишлаштириш ҳажмини ошириш, 2030 йилгача барча учун тураржой ва уй-жой коммунал хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш каби йўналишларда самарали ишлар рўйбга чиқарилмоқда. Хусусан, 21,8 минг километрдан ортиқ ичимлик, оқова сув тармоқлари ва 2 851 та объект қурилиб, фойдаланишга топширилган. Халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан жами 1 594,1 км. ичимлик ҳамда 329,8 км. оқова сув тармоқлари ва иншоотларини қуриш ишлари амалга оширилган. Ҳозирги кунга қадар 117 та шаҳар, 302 та шаҳарча бош режалари ва 1 664 та кишлоқ аҳоли пунктининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Шунингдек, 2030 йилгача ҳар йили ўртача 5 мингдан ортиқ кўп квартирали уйлар жорий ва мукамал таъмирланади. Бунда вилоят ва туман марказларидан чекка ҳудудларда жойлашган кўп квартирали уйларни таъмирлашга алоҳида эътибор қўйилади.

Йиғилишда ичимлик ва оқова сув тармоқларини кенгайтириш, уларни модернизация қилишни жадаллаштириш, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг яшил ҳудудлар, истироҳат боғлари, болалар учун ўйин майдонларини кенгайтириш, кўп квартирали уйларни ўз вақтида таъмирлаш юзасидан фикрлар алмашилди.

Муҳокамалар чоғида депутатлар томонидан барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши, оқова сувларни қайта ишлаш қўламини кенгайтириш, мақсадларни амалга оширишда республиканинг олиқ ҳудудларига ҳам алоҳида эътибор қилиниши, вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши бўйича тизимли чора-тадбирлар белгилаб олиш, шаҳарсозлик ҳужжатлари ва бош режаларни ишлаб чиқишни жадаллаштириш бўйича қатор тақлифлар берилди.

Яқунда кун тартибидоги масала юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

"Халқ сўзи".

Акс садо

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўллаш ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири — бу аҳолини камбағалликдан қичқариш ва унинг турмуш даражасини ошириш. Илк бор камбағаллик масаласи давлат сиёсати даражасида очик эътироф қилиниб, уни бартараф этиш бўйича тизимли ва аниқ механизмлар йўлга қўйилмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бу ташаббус, ҳақиқатан ҳам, Янги Ўзбекистоннинг инсон қадрини устувор бўлган ижтимоий давлат қуриш йўлидаги дастурий қадамидир. Юртбошимизнинг қатъий сиёсий иродаси билан камбағалликка қарши кураш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу шунчаки ижтимоий ёрдам кўрсатиш эмас, балки аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорликка жалб этиш ва барқарор даромад манбаларини яратиш орқали камбағалликдан қичқаришга қаратилган комплекс ёндашувдир.

Мамлакатимизда камбағалликка қарши курашда учта асосий механизм — "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари" тизимлари жорий этилди. Булар орқали аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари аниқланади, уларнинг муаммолари ўрганилиб, манзилли ёрдам кўрсатилади. Бу дафтарларнинг самарадорлиги, аввало, маҳаллабай тизимнинг жорий этилганлигидан. Энди ҳар бир маҳалла ўзининг муаммоларини ўзи ҳал қилади, фуқароларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган кучли ижтимоий бирликка айланмоқда.

Кунчи Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан ўтказилган видеоселектор

йиғилишида айнан шу йўналишда олиб борилаётган ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифаларга тўхталиб ўтилди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари камбағаллик ва ишсизлик даражасини 4,5 фоиздан камайитириш бўйича асосий йўналишларни белгилаб берди.

Камбағалликни қисқартиришнинг энг самарали йўли — бу аҳолини доимий иш билан таъминлаш ва уларни даромад манбаига эга қилиш. Мазкур йўналишда "Ишга марҳамат" мономарказлари ва маҳаллаларда ташкил этилган ўқув курслари орқали ишсиз аҳоли талабгир касбларга ўргатилмоқда. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшларга ўз бизнесларини бошлашлари учун имтиёзли кредитлар, субсидиялар ва грантлар ажратилмоқда. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури орқали кўплаб фуқаролар ўз уй ҳўжаликларидан даромад ортиштириш имкониятига эга бўлди. Кишлоқ жойларнинг самарадорлиги, аввало, маҳаллабай тизимнинг жорий этилганлигидан. Энди ҳар бир маҳалла ўзининг муаммоларини ўзи ҳал қилади, фуқароларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган кучли ижтимоий бирликка айланмоқда.

Бизнинг мақсадимиз аниқ — 2030 йилга қадар камбағаллик даражасини икки баравар қисқартириш. Бунинг учун иқтисодий ўсишни инклюзив қилиш, яъни унинг натижалари

ридан аҳоли қатламлари тенг фойдаланишини таъминлаш борасида атрофлича иш олиб бориш йўлга қўйилди.

Аҳолига касб-ҳунар ўргатиш тизими янада тақомиллаштирилиб, меҳнат бозори талабларига мослаштиришга эътибор қаратилади. Маҳаллаларда мебелчилик, хунармандчилик ва тикувчиликка ихтисослаштирилган саноат лойиҳалари рўйбга чиқарилади. Эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар кўрилади. Ижтимоий ҳимоя тизимини рақамлаштириш ва унинг манзиллилигини янада ошириш кучайтирилади. Йиғилишда бу борада қилиниши лозим бўлган қатор устувор вазифалар ижро масъулияти аниқ кўрсатилган ҳолда белгилаб олинди.

Камбағалликни қисқартириш — Ўзбекистоннинг стратегик йўналиши, у нафақат иқтисодий вазифа, балки ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги муҳим қадам. Биз, депутатлар ҳам бу жараёнда фаол иштирок этиб, қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, жойлардаги ижронинг назорат қилиш ва аҳолининг ҳақиқий муаммоларини парламент минбарига олиб чиқиш орқали ўз ҳиссамизни қўшимчимиз лозим. Жумладан, камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган қонунларни қабул қилиш орқали ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ижтимоий ҳимоя ва ёрдам кўрсатишда жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлаш вазифамиздир.

Моҳира ХўҲАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ОНГЛИ ВА ОРТГА ҚАЙТМАС ТАНЛОВ

Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган кўп томонлама муҳим ҳужжатлар қабул қилингани, тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилгани билан алоҳида аҳамият касб этди.

Озарбайжоннинг Маслаҳат учрашувлари форматига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилгани ҳам мушарраф тарих, қардошлик ришталари, маънавий ва маданий яқинлик билан узвий боғланган халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Қайд этилганидек, ушбу стратегик қадам Маслаҳат учрашувларига кучли шиддат беради, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиради, барқарор тараққиёт масалалари бўйича ҳамжиҳатликда қарорлар ишлаб чиқиш учун янги уфқларни очади.

Бугун дунёда кескинлик кучайиб, геосиёсий вазият эңдан чиққан бир даврда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари минтақа тараққиёти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилгани, албатта, тарихий аҳамиятга эга. Дунёда бир минтақада жойлашган ёки қўшни, ҳатто қардош давлатлар ўртасида ихтилофлар пайдо бўлган бир вазиятда Президентимизнинг "Марказий Осиё янги давр остонасида" номли дастурий мақоласида таъкидланганидек, биз чинакам бирдамлик босқичига ўтганмиз.

Тўғри, қардош давлатлар ўртасида зиддиятларга олиб келиши мумкин бўлган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилмагани дунё ҳамжа-

мятининг минтақага эътибори, ишончини сусайтирганди. Узққни қўзлаб юритилган амалий ишлар, яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаат тамойилларига асосланган ҳамкорлик, энг муҳими, дунё саҳнада "Марказий Осиё плюс" форматида ягона субъект бўлиб бошланган ҳаракатлар халқаро майдонда минтақамизнинг тан олиншига, ишонч кучайганига, яқин ҳамкорлик ўрнатилишига асос бўлди. Албатта, бунда Президентимизнинг оқилона сиёсати, шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Минтақамиз ҳақон иқтисодиётига фаол интеграциялашиб, инвестициявий жозибадорлиги ошмоқда. Учинчи бозорларга экспорт қилиш имконияти кенгаймоқда, транзит салоҳияти ўсяпти. Ўтган йили минтақада ўзаро савдо ҳажми 10,7 миллиард долларга етди. Инвестицияларнинг умумий ҳажми эса 17 фоизга кўпайди. Ихтилофларга сабаб бўлган ҳудудий масалалар узил-кесил ҳал этилди. Чегара пунктлари очилиб, сув-энергетика соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Транспорт алоқалари қайта тикланди. Фаол савдо-инвестициявий ва гуманитар алоқалар учун қулай шароитлар яратилди.

Президентимиз Маслаҳат учра-

шувидаги нутқиди минтақамиз 10 — 20 йилдан кейин қандай қўрилиши бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, қатор тақлифларни илгари сурди. Минтақавий мулоқотни маслаҳатлашув шаклидан "Марказий Осиё ҳамжамияти" стратегик форматига айлантириш, маъмурий тўсиқларга барҳам бериш, солиқ ва боғжона тартиб-таомилларини соддалаштириш, эркин иқтисодий ва саноат зоналаридан биргаликда фойдаланиш, транспорт-логистика салоҳиятини ривожлантириш, Афғонистонни умумий минтақавий сиёсатимизнинг ажралмас қисмига айлантириш ва 2026 — 2036 йилларни "Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги" деб эълон қилиш тақлифлари шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари Маслаҳат учрашувида қабул қилинаётган ҳужжат ва илгари сурилган ташаббуслар замирида барчамиз учун умумий бўлган барқарор, хавфсиз ва гуллаб-яшнаган Марказий Осиёни барпо этиш мақсади муҳим эканини таъкидлади.

Бугун минтақамизда кечаётган жараёнлар, ҳақиқатан ҳам, онгли ва ортга қайтмас танлов. Ушбу йўл биздан нафақат биргаликдаги саъй-ҳаракатларни, балки умумий келажагимиз учун масъулиятни ўз зиммамизга олишга тайёр бўлишимизни ҳам талаб қилади.

Зухра МИРФОЗИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАҚДИРИ ВА

ЯНГИ ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ДАВРИ



КЎП ҚИРРАЛИ ИНТЕГРАЦИЯ — Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор мақсади

Президентимизнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақоласи минтақа мамлакатлари ўртасида кейинги йилларда жадал тараққий этаётган ўзаро муносабатларнинг ёрқин ифодаси бўлди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Марказий Осиёда ўзаро ҳамкорликнинг мутлақо янги модели шаклланди. Минтақа давлатлари раҳбарлари томонидан олиб борилётган очик, прагматик ва яхши кўшничликка таянган муносабатлар бугун Марказий Осиёни глобал сийёсатда фаол субъектга айлантиришга хизмат қилган. Узоқ йиллардан бери деярли тўхтаб қолган минтақавий мулоқот қайта тикланди, мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч, очиклик ва манфаатдорлик тамойиллари мустаҳкамланди.



Умумий манфаатлар ифодаси

Бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси дунё сийёси ва иқтисодий харитасида алоҳида стратегик ўрин эгаллаб бормоқда. Бу эса жаҳонда геосийёсий жараёнлар кескинлашиб, глобал рақобат кучайиб бораётган бир пайтда катта аҳамият касб этади. 2016 йилдан кейин Ўзбекистон ташқи сийёсатида Марказий Осиё устувор йўналиш сифатида белгилангани кўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларда тўпланиб қолган масалаларни конструктив мулоқот орқали ҳал этиш имконини яратди. Натияжада Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ўртасидаги чегараларнинг катта қисми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланди. Бу эса чегара хавфсизлигини мустаҳкамлади, савдонинг энгиллаштирди, ўзаро ишончнинг янада оширди. Давлат раҳбарлари даражасидаги ўзаро ташрифлар сони кескин кўпайди.

2018 йилдан бошлаб Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш аниқлаштирилди. Бу — тарихий воқеа, чунки аввал бу каби формат мавжуд бўлмаган. Бу форматнинг самаралари давлатлар ўртасидаги ишонч даражаси ошганига яққол намойён бўлмоқда. Мухим минтақавий муаммолар бўйича ягона позиция шаклланди. Савдо, транспорт, экология, маданият ва хавфсизлик соҳаларида муҳим келишувларга эришилди. Энг муҳими, минтақавий манфаатлар халқаро майдонда бир овоздан ифодаланмоқда.

Хусусан, айна пайтда Марказий Осиёни дунёнинг етакчи давлатлари ва бирлашмалари билан боғлайдиган ўндан ортиқ “Марказий Осиё плюс” форматлари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи”, “Марказий Осиё — Хитой”, “Марказий Осиё — Россия” ва “Марказий Осиё — АҚШ” саммитлари бўлиб ўтди. Бу эса минтақанинг глобал сийёсатдаги стратегик аҳамияти ортиб бораётганидан далолат беради.

Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг янги даврга асос солди. Саммит аввалида давлатимиз раҳбари Озарбайжон Маслаҳат учрашувлари форматига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилгани мамнуният билан эълон қилди. Ўзбекистон етакчилиги таъкидлаганидек, бу қарор муштарак тарих, қардошлиқ ришталари, маънавий ва маданий яқинлик билан узвий боғланган халқларимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Учрашув якунида Президентимиз “Бизнинг кучимиз — бирликда, муваффақият сари йўлимиз — дўстлик ва ҳамкорликда. Фақат ҳамжиҳат бўлиб, ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва стратегик ёндашувларга таяниб, эзгу макссадларимизга эришимиз мумкин”, дея алоҳида таъкидлади.

Учрашув якунида Президентимиз “Бизнинг кучимиз — бирликда, муваффақият сари йўлимиз — дўстлик ва ҳамкорликда. Фақат ҳамжиҳат бўлиб, ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва стратегик ёндашувларга таяниб, эзгу макссадларимизга эришимиз мумкин”, дея алоҳида таъкидлади.

Марказий Осиёда сўнгги йилларда кечаётган чуқур сийёсий, иқтисодий ва гуманитар ўзгаришлар минтақанинг стратегик аҳамиятини жаҳон ҳамжамияти олдида янги босқичга кўтармоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” номи мақоласида баён этилган фикрлар мазкур жараённинг моҳиятини чуқур ёритиб, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида қўлга киритилган ютуқларнинг сийёсий-тарихий аҳамиятини яққол очиб беради.

Президент таъкидлаганидек, бугун Марказий Осиёда бундан аввал кузатилмаган даражада ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳити шаклланди. Ушбу янги сийёсий муҳит давлатлар ўртасидаги чегара масалаларининг ҳал этилиши, сийёсий мулоқотнинг тизимли йўлга қўйилиши ва умумий манфаатларга қаратилган янги ташаббусларнинг ривожланиши учун мустаҳкам асос яратди.

Марказий Осиё давлатлари орасида, айниқса, Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларининг мисли кўрилмаган даражада ривожланиши минтақа барқарорлигига катта ҳисса қўймоқда. Қозоғистон — Ўзбекистоннинг стратегик шериги ва ишончли иттифоқчиси бўлиб, икки мамлакат барча соҳада чуқур ва доимий ҳамкорлик йўлидан борапти. Президентлар — Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев ўртасидаги сийёсий ишонч, яқин мулоқот ва ўзаро ҳурматга асосланган стратегик муносабатлар нафақат икки томонлама алоқалар, балки бутун Марказий Осиё интеграцияси учун муҳим драйверга айланди. Яқин ўтмишда чегаралардаги сунъий тўсиқлар халқларни бир-биридан узоқлаштирган бўлса, бугун ҳамкорлик ва қардошлиқ руҳи барча соҳаларда устувор бўлиб бораётди.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим босқичларидан бири сифатида Давлатлараро олий кенгаш фаолиятининг йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиз. Бу кенгаш давлат раҳбарлари даражасидаги мулоқотнинг янги механизми бўлиб, мамлакатлар ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Махлис натижалари асосида қабул қилинаётган қарорлар сийёсий, иқтисодий, маданий ва логистик йўналишлардаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта туртки бормоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасида эришилган натижалар, ҳам эътиборга лойиқ. Ўтган йили икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 4 миллиард доллардан ошди. Бугунги тенденцияларни

рининг жадал суръатда ривожланиётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, чегара ўтказиш пунктларини модернизация қилиш масаласи ҳам кун тартибидан ўрин олган. Бугунги кунда Қозоғистон — Ўзбекистон чегарасида 8 та автомобиль ва 3 та темир йўл ўтказиш пункти фаолият юритмоқда. Уларни замонавийлаштириш нафақат юк айланмаси самардорлигини оширади, балки бутун минтақанинг логистика салоҳиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади.

Минтақавий хавфсизлик масалаларида ҳам мамлакатларимиз етакчи ўринда турибди. Марказий Осиёнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан бешта давлатнинг қай даражада мувофиқлашгани ва бир мақсад йўлида ҳаракат қилишига боғлиқ. Бугун минтақа давлатлари раҳбарларининг саммитлари, Бош вазирлар учрашувлари, давлатлараро кенгашлар фаолияти Марказий Осиёни бирлаштирувчи барқарор механизм



да очиб берилди. Бундай таълим лойиҳалари нафақат илм-фан соҳасини бойитиши, балки икки қардош халқ ёшлари ўртасидаги маданий яқинликни ҳам мустаҳкамлайди. Ёшлар, туризм ва таълим форумлари, шунингдек, Остонада ўтган биринчи қозоқ — ўзбек илмий-ижодий зиёлилари форуми халқ дипломатиясини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди. Ушбу форумда икки халқнинг маънавий элита вакиллари ўзаро мулоқот олиб бориб, умумий маданий илдизлар ва аъёнларни сақлаш масалаларини муҳокама қилиш имконига эга бўлди.

Бугунги ўзгаришлар фонидда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари суриляётган “минтақавий ҳамжиҳатлик” тамойили Марказий Осиёнинг келгуси ривожланиш траекториясини белгилайдиган стратегик йўналиш сифатида тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Минтақадаги тинчлик, барқарорлик ва ўзаро ишонч муҳити нафақат мамлакатлар ривожига, балки умумий минтақавий хавфсизлик тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон етакчилигининг мақоласи ва унда илгари сурилган гоёлар Марказий Осиё давлатлари учун келгуси ўн йилликларда ривожланишнинг стратегик дастури вазиёсини ўтади. Минтақа давлатлари ўртасида шаклланаётган ҳамжиҳатлик, очик мулоқот ва прагматик ҳамкорлик Марказий Осиёнинг халқаро савдо-иқтисодий муносабатларининг маънавий пойдеворини ташкил этади. Ўтган йилда Президентлар — Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев икки мамлакат таълим соҳасидаги ҳамкорликка янги суръат берган муҳим тадбирни амалга оширди — “Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг Олмаота шаҳридаги филиали ҳамда Мухтор Азевов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университетининг Чирчиқ шаҳридаги филиали тантанали равиш

Талгат НИЯЗОВ, Қозоғистон Республикаси ФАВ, олий таълим вазирлиги Миллий тест маркази директори ўринбосари, иқтисодий фанлари доктори, профессор.

МИНТАҚА ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви олдида эълон қилинган “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласи наинки минтақа давлатлари, балки жаҳон матбуотида кенг акс садо бериб, халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда. Сабаби, ушбу дастурий чиқишда Марказий Осиё ўз тараққиётининг янги, тарихий аҳамиятга молик босқичига қадам қўяётгани ҳар томонлама очиб берилиб, яқин ўн йилликдаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожини, халқаро майдонда “Марказий Осиё плюс” форматига бир минтақа сифатидаги иштирок этиши ҳамда Афғонистон масаласи чуқур таҳлил қилинган, айна чоғда муҳим ташаббус ва устувор вазиёлар илгари сурилган.



лаҳат учрашувлари форматига тизимли ва мунтазам мулоқот бошланди. Бу том маънода очиклик ва умумий манфаатлар рамзига айлангани айна ҳақиқат. Айна Маслаҳат учрашувлари доирасидаги мулоқот тўғрисида эски даврдан қолган бир қатор келишмовчиликларни бартараф этиш ва ишончсизликдан ҳақиқий ҳамкорликка ўтишга эришилди.

Ушба пайтда тараққийлаётган қолган вазиятнинг таҳлил қилаётган бўлса, Ўзбекистон ва қўшни давлатлар ўртасидаги келишмовчилик, қарама-қаршиликнинг асосий сабаби давлат чегараларини делимитация қилиш ва чегара пунктларини кесиб ўтиш, сув ва транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш каби масалаларда муросанинг йўқлиги бўлган. Айрим етакчиларда қатъий сийёсий ирода етishмаслиги ёки шахсий хоҳиш-истакларнинг миллат манфаатларидан устун келиши оқибатида кичик масалалар катта муаммага айланди. Бунинг жабрини азалдан қон-қариндош бўлиб келган халқларимиз тортиди.

Мақолада айтилганидек, “Яқин-яқингача имконият туғилган бу муаммонинг ечимини бугун реал ҳолатга, бир пайтлар бизни ажратиб турган чегаралар эса дўстлик ва ҳамкорлик кўпригига айланди. 2025 йил март ойида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч давлатнинг чегаралари туташган нукта тўғрисидаги Шартнома ва Хўжанд декларациясининг имзолангани тарихий аҳамиятга молик ҳодисадир. Бунинг ҳақиқи равишда оламшумул воқеа деб аташ мумкин”.

«Муз»ларни эритган сиёсат

Марказий Осиё мамлакатларини ўзаро чегаралар ажратиб турса-да, умумий маконда яшовчи Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон халқларининг тарихий илдизлари туташ, урф-одат ва удулмари бир, дини ягона, маданияти муштарак. Аммо қардош беш халқ ўртасидаги муносабатлар яқин-яқингача ҳам хавас қилгулик даражада эмасди. Ўтмишга тош отиш ниётишимиз йўқ, бироқ орта назар солиб, энг яқин тарихимизга холис баҳо берадиган бўлсак, қўшни давлатлар орасидаги муносабат, юмшоқ қилиб айтганда, илиқ эмас эди. Кўп йиллик низолар, баъзида тўғри ёндашилганда оқилона ечимлар топса бўладиган масалалар бўйича келишмовчиликлар минтақа умумривожига соя солиб келди.

Агар Марказий Осиёга бир организм сифатида қаралса, барча органлар ўз функциясини тўлиқ бажарсагина, у ишлайди. Минтақага доир ҳар қандай масала — хоҳ у сийёсий, хоҳ иқтисодий ёки гуманитар характерга эга бўлсин, ечимини ўзаро бирдамликни талаб қилади. Йўқса, кичик муаммо ҳам самарали ҳал этилмайди. Шу боис Шавкат Мирзиёев ислохотларнинг янги босқичида дастлабки эътиборни ушбу масалага қаратиб, Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан конструктив сиёсатни ишлаб чиқиш, ўзаро мулоқотни жонлантириш ва иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилади.

Янги тафаккур ифодаси

Ўзбекистон Президенти 2018 йилда “Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида сўнгги 25 йил ичида тўпланган улкан муз бор. Бу муз эриши учун қўшни давлатлар билан ҳамкорликда кўпгина ишларни амалга оширишимизга тўғри келади”, деб таъкидлаган эди. Ўзбекистон Президентининг 2018 йилдаги Душанбега ташрифи дўстона муносабатларнинг тикланишига катта туртки берди. Ундан кейин амалга оширилган Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг Тошкентга ташрифи Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида Абдий дўстликни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларациянинг имзоланишига шарт-шароит яратди.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан очик, конструктив, пухта ўйланган ва прагматик сиёсати натижасида совуқ муносабатлар таъсирида қалинлашган музлар эриди: қўшни давлатлар ўртасидаги низоли масалалар узил-кесил ҳал этилди. Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақадаги кўп қиррали ва мустаҳкам ҳамкорликнинг чинакам меъмори, дейиш мумкин.

Бойсун туманидаги Омонхона қишлоғи БМТ Туризм ташкилотининг «Ривожлантириш дастури»га киритилди.

ТАРАҚҚИЁТИГА СТРАТЕГИК ЁНДАШУВ

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАЁТГАН ОРЗУЛАР

Марказий Осиёдаги ўзаро муносабатлар, жумладан, қирғиз — ўзбек халқларининг тарихий алоқаларини ўрганиш бўйича мутахассис сифатида мени минтақанинг ўтмиши, бугуни ва келажақ доим қизиқтириб келади. Очигини айтганда, мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан буён кўплаб шартномалар, декларациялар ва турли қўшма ҳужжатлар қабул қилинди. Бироқ уларнинг аксарияти фақат қоғозда қолиб кетгани ва реал ҳаётда ўз аксини топмаганини инкор этиб бўлмайди.



имзолангани билан узоқ давом этган низога чек қўйилди, чегара масаласи ниҳоят ўз ечимини топди. Ўзбекистон Президентининг мақоласида чегара масаласининг ҳал қилиниши келажаққа ишонч ва тинчлик аҳамиятини оғанг буюқ тарихий воқеа сифатида қаралади. Шу йил октябрь ойида бўлиб ўтган Фарғона тинчлик форуми мамлакатларимизнинг тинчлик ва тотувлини мустақамлашга бўлган ўзаро интилишининг яққол амалий тасдиғи, Марказий Осиёда кечаётган бунёдкорлик жараёнининг ифодаси бўлди.

Марказий Осиёдаги муносабатларга путур етказган муаммолардан бири сув ресурсларидан ўзаро ке-

Президент Шавкат Мирзиёев мақолада ўзаро ҳамкорликда қуриладиган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг аҳамиятига ҳам тўхталган. Келажақда ушбу темир йўл минтақанинг денгиз портларига қириш имконини бериши, бу эса бирлики янада ошириши таъкидланган. Муаллиф Янги Марказий Осиёни барпо этиш борасида бошланган жараён оғли ва ортага қайтмас танлов эканини таъкидлар экан, минтақада тинчлик, барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлаш йўлидаги тарихий бирикни асраб-авайлаш барча мамлакатлар олдидаги умумий вазифа эканини айтади. Давлат раҳбарининг бу фикрлари минтақамиз мамлакатлари учун бирдек муҳим, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Президенти гуманитар ва маданий алоқалар ҳам минтақавий бирикни мустақамлашда муҳим омилга айланиб бораётганига аҳамият берган. Минтақадаги аёл етакчилар мулоқоти, ёшлар платформаси ҳамда ректорлар ва олимлар форумлари каби янги ҳамкорлик йўналишлари Марказий Осиёда умумий маданий ва ахборот маконини шакллантиришга алоҳида таъсир кўрсатиши таъкидланган.

Биз қирғиз олимлари, ҳар йили маънавий мерос ва маърифатпарварлик ғояларига бағишланган Халқаро конгресс ўтказилиши ва Минтақавий илмий тадқиқотлар жамғармаси ташкил этилишини қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу ташаббуслар тўғрисида янги минтақавий ўзига хослик шаклланишида.

Президент ўз мақоласида айтиб ўтганидек, 2023 йил сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқаролари ID-карталар асосида чегарадан ўтаётгани одамларнинг эркин ҳаракатланиш ҳудудини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Натихада ҳудудлар ўртасидаги алоқалар кенгайимокда, чегараолди савдо ҳажми ошмоқда, гуманитар ва маданий алоқалар мустақамлашмоқда, туризм ривож топмоқда. Яқин-қўнғича орзу бўлиб туюлган эркин ҳаракатланиш, ўзаро ҳурмат, яқинлик ва ишонч тўғрисида бугун амалдаги ҳақиқатга айланмоқда.

Мақоладаги муҳим маълумотлар, ғоялар, фикрлар ва тавсиялар келажаққа катта ишонч бағишлади ва ундан бизни узоқ вақтдан бери бевозта қилиб келаётган саволларга оқилона жавоб олдиқ.

Киёс МОЛДОКАСИМОВ,
Қирғизистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ҳодими, 3-даражали «Манас»
ордени соҳиби, профессор.

ЮКСАЛИШ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлаҳали мақоласи жадал геосийсий ўзгаришлар даврида Марказий Осиёнинг роли тўғрисида бўлиб, у ижтимоий-иқтисодий трансформациялар бўйича минтақавий ҳамкорликнинг замонавий доктринасини шакллантирувчи фундаментал дастурий ҳужжатдир.

Мақолада ўзаро савдони ривожлантириш, чегарадан ўтиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш ва инвестициялар учун қулай шартлар яратиш Марказий Осиёда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий шартлари экани батафсил очиб берилган. Давлат раҳбари иқтисодий соҳада саноат ҳамкорлигини фаол ривожлантириш, минтақавий ва минтақалараро етказиб бериш занжирларини яратиш, трансчегаравий савдо зоналарини раванқ топтириш, транспорт-иқтисодий коридорларни кенгайтириш ҳамда транспорт, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва рақамли иқтисодиёт соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаган. Шунингдек, мақолада минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш, мавжуд механизмларни мустақамлаш ҳамда уларнинг барқарорлиги ва амалий самардорлигини таъминлаш муҳимлиги қайд этилган.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви кун тартибига айлан Президент Шавкат Мирзиёев мақоласида айтиб ўтилган позициялар, фикрлар асос қилиб олинган, десак, аддашмаган бўламиз. Унинг доирасида Янги Ўзбекистоннинг ташаббуси ва таклифлари, ҳеч шубҳасиз, Марказий Осиёнинг минтақавийликдан глобаллик сари шаддам қадамлар билан олға интилаётганини кўрсатиб турибди.

Озарбайжоннинг маслаҳат йиғилишига тўлақонли аъзо бўлиб қираётгани ҳам ушбу учрашувларнинг маъқени янада оширмоқда. Озарбайжоннинг қўшилиши Ўрта коридорнинг родини мустақамлашга хизмат қилади ва барча иштирокчи мамлакатлар учун ижобий натижалар беради. Бу инфратузилмага сармоёларнинг ошишига олиб келади. Жумладан, темир йўлларнинг ўтказиш қобилиятини кенгайтириш, денгиз кемалари ва юк поездлари паркин модернизация қилиш, портлар ва логистика марказларини қуриш ва ривожлантиришга кенг йўл очади. Шунингдек, янги аъзо мамлакатнинг пайдо бўлиши Марказий Осиё платформасини кенгроқ минтақавий форумга айлантириб, Кавказ билан Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларни мустақамлашга йўл очади.

Ушбу боғлиқлик мувозанат ва кўп векторли ҳамкорликни таъминлайди. Иштирокчилар ва ташқи актёрлар орасида манфаатлар уйғунлаштирилишига ёрдам беради, минтақанинг ташқи сиёсий манёвр имкониятларини оширади.

Ўзбекистон Президенти ўз мақоласида самарали минтақавий институтларсиз тизимли ривожланишга эришиш ва биргаллик қабул қилинган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш имкониятини таъкидлаган. Муаллиф сўзларига қўра, экологик ҳамкорликка, жумладан, иқлим ўзгаришига мослашиш, трансчегаравий сув ресурслари ва биохилмаҳилликни сақлаш бўйича қўшма ташаббуслар, шунингдек, “яшил” энергетика ва паст углеродли технологияларга ўтишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Бундан ташқари, Президент Марказий Осиё давлатлари ўртасида келишилган ташқи сиёсий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлаган. Геосийсий беқарорлик тобора кучаяётган ва жаҳон куч марказлари ўртасидаги рақобат ўсиб бораётган шариқта минтақанинг халқаро майдондаги позицияларини мувофиқлаштириш барқарорлиқни сақлаш ва умумий манфаатларни химоя қилишининг асосий омилга айланмоқда. Шу асосда Президент асосий ҳамкорлар билан прагматик алоқаларни ўрнатишга самарадорлигини исботлаган “Марказий Осиё плюс” форматларини янада ривожлантириш зарурлигини қайд этган.

Марказий Осиёда рўй бераётган ўзгаришларни қузатар эканмиз, минтақа ўзига хос тарихий босқинчи бошдан кечираётгани аён бўлади. Минтақа бугунги кунда ўзининг прагматик, реал натижага йўналтирилган ва халқаро ҳамкорлик учун очик бўлган интеграция моделини шакллантирмоқда. Ва бу жараёнларнинг асосий катализатори, шубҳасиз, Ўзбекистон ҳисобланади. Айнан Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари минтақавий муносабатларга янги сурьат бағишлади, ўзаро ишонч, сиёсий очиклик ва келажақ учун умумий масъулият асосларини яратди.



Бугун биз кўриб турган иқтисодий трансформация халқаро экспертлар нукта назаридан ҳам ҳайратланарли. Ялпи ички маҳсулотнинг тобора ортиб бораётгани, ўзаро савдонинг икки баробар кўпайиши, қўшма инвестицияларнинг жадал ўсиши — буларнинг барчаси тасодифий жараёнлар эмас, балки интеграция сари мақсадли ҳаракат натижасидир. Ўзбекистон очик иқтисодий муҳитни шакллантириш, тадбиркорлик ва хоржий капитал оқими учун қулай шартлар яратиш орқали ушбу динамиканинг энг муҳим драйверларидан бирига айланди.

Минтақа мамлакатлари рақобатдан ҳамкорликка ўта олгани, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Қўшма энергетика ва саноат лойиҳалари — “Камбарота ГЭС-1” дан тортиб Зарафшондаги янги ГЭСларга Марказий Осиё иқтисодий имкониятлар маконига айланиб бораётганининг ёрқин тасдиғидир. Бир пайтлар кескинлик манба бўлган сув дипломатияси бугунги кунда прагматик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик намунасига айланмоқда.

Мақолада Президент Шавкат Мирзиёев ушбу ишончга асосланган ҳамкорлик йўлини янада чуқурлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Халқаро вазиятнинг кескинлашуви, иқлим муаммолари, энергия хавфсизлиги эҳтиёжи, иқтисодий зиддиятларнинг ортиб бориши каби мураккаб шариотлардан бирдамлик ва ҳам-ҳаётлик ҳар қачондан ҳам муҳим. Буларнинг барчаси жипислашиб бораётган Марказий Осиё учун зарурдир.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, бу ҳамкорлик стратегик эҳтиёжга айланган. Минтақа давлатларининг ўзвий ҳамкорлиги Марказий Осиёнинг барқарор ўсиши ва доимий хавфсизлиги учун янги давр бўсағасида муҳим таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Ишонч, яқин кўнчилиқ ва ўзаро ҳурмат сиёсатини янги босқичга кўтариш зарур. Ўзбекистон етакчиси мақолада минтақа давлатларининг бирдамлиги натижасида ҳақиқий ютуқларга эришилган қўллаб-қувватлашларини санаб ўтган. Узоқ йиллар ечилмай келган, аммо эндиликда ҳал қилинган чегара масалалари, сув ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик қайд этилган.

Шунингдек, муаллиф материалда минтақавий барқарорлик учун муҳим бўлган Афғонистон масаласини ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Унда Трансафгон темир йўлининг қурилиши мамлакатнинг иқтисодий тикланиши учун муҳим роль ўйнаши алоҳида таъкидланади.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз мақоласида тобора жипислашиб бораётган Марказий Осиё давлатлари ютуқларини айтиш билан бир қаторда, минтақада тинчлик, фаровонлик ва барча халқлар тарққийети ҳукм сурадиган янги Марказий Осиёни барпо этиш йўлида қатъият билан давом этиш қақриғини илгари сурган.

Мақолада ўта муҳим факт ўз аксини топган: минтақа илк бор ташқи кучлар томонидан ягона сиёсий субъект сифатида қабул қилина бошланди. Ундан ортиқ “плюс” платформалар мавжуд бўлиб, улар давлат раҳбарлари, ҳукуматлараро механизмлар ва аниқ тармоқ лойиҳалари даражасига кўтарилган. Бу — Марказий Осиёнинг мустақил геосийсий марказ сифатида эътироф этилишини аналтади. Ўзбекистон раҳбарининг мақолада келтирилган стратегик аҳамиятга эга ғоялари Марказий Осиё республикалари учун минтақавий миллий суверенитетни мустақамлашга, мамлакатларнинг тенг ҳуқуқчилигини қамолатлашга, энергетика ва сув соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга туртки беради, ёшлар учун илмфан ва таълим интеграциясини йўлга қўяди.

Элман НАСИМОВ,
Озарбайжон Республикаси
Миллий Мажлиси депутаты
сиёсий фанлар доктори, профессор.

Мен бу сўзларимни 2024 йил 23 августда Тошкентда бошланиб, Самарқандда якунланган “Буюк аждодлар мероси — Учинчи Ренессанс асоси” халқаро конгрессига ҳам айтган эдим. Ушундан бери Марказий Осиё глобаллашуving мураккаб шариотда қандай ривожланиши лозимлигига жаовоб изладим. Ва ниҳоят, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласини ўқиб, ўзимни қийнаётган барча саволларга жаовоб топдим.

Айниқса, Ўзбекистон етакчисининг “Бугун биз кучли, барқарор ва фаровон минтақа — Янги Марказий Осиёнинг мустақамлоқ пойдеворини яратмоқдамиз”, деган сўзлари эътиборимни тортиди. Мақолада минтақада тарихий қариндошлиқ, маданий умумийлик ва ўзаро ишончга асосланган янги ўзига хослик шаклланаётгани таъкидланган. Муаллиф фикрига қўра, минтақа мамлакатлари “деворлар эмас, кўприклар қуриш” орқали тинчлик ва ҳамкорлик маконини яратмоқда.

Таассуфки, Марказий Осиё мамлакатлари яқин пайтларгача қоғозда чиройли дўстлик декларацияларини қабул қилгани, аммо шу билан бирга чегаралар ёпилгани, баъзи ҳолларда оғир ҳарбий техника тўсиқ сифатида жойлаштирилгани, сув, газ, чегара ва бошқа масалалар бўйича низолар келиб чиққани ҳеч кимга сир эмас. Бундан ташқари, чегаранинг икки томонидаги яқин қариндошлар бир неча ой ва йиллар давомида бир-бирининг яқини-ёқини кўнларига бирга бўлолмаган пайтларни эсдан чиқариб бўладими?!

Касбим билан боғлиқ бир воқеани доим армон билан эслаيمان. Илмий раҳбарим, танқил ўзбек олими, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиев мени 1988 йилда Ўзбекистон Марказий давлат архивига олиб бориб, у ердаги ҳўжатлар билан ишлашни ўргатди. Қирғиз ва ўзбек халқларининг тарихий алоқалари ва у ердаги одамлар ҳаётига оид кўплаб янги архив ҳўжатларини топиб, номзодлик диссертациямни мувафқиятли химоя қилдим. Кейинчалик докторлик диссертациямни ва бошла-

ган монографияларимни якунлаш учун Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Марказий давлат архиви мурожаат қилганимизда, “архивларимизда XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларига қадар Қирғизистон тарихига оид архив ҳўжатлари йўқ, шунинг учун биз рухсат бера олмаимиз”, деган жаовоб олдиқ.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил Ўзбекистон Президенти этиб сайланган Қирғизистонга амалга оширган биринчи расмий ташрифи чоғида тарихчиларимизнинг Тошкентдаги архивларда сақланаётган ҳўжатлардан фойдаланиш масаласини дарҳол ҳал қилди. Шундай қилиб, 2017 йилдан бери биз Ўзбекистон Марказий давлат архивида ишлаш

“Мақолада айтилганидек, биз чегара масалаларининг тўлиқ ҳал қилинишини минтақалараро муносабатлардаги катта ютуқ сифатида гапиряймиз. Биз мураккаб ва баҳсли чегара масаласини ҳал қилиш узоқ вақт талаб этади деб ўйлаб, умидсизликда яшадик. Бироқ уларнинг барчаси тезда ҳақиқатга айланди — аввал Ўзбекистон билан, кўп ўтмай Тожикистон билан чегараларимиз борасида муаммолар қолмади.”

имкониятига эга бўлдиқ. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласини ўқиб эканман, дўстона алоқаларимиз бундан кейин ҳам мустақамлашаришига ишончим янада ортди...

Дарҳақиқат, мақолада айтилганидек, биз чегара масалаларининг тўлиқ ҳал қилинишини минтақалараро муносабатлардаги катта ютуқ сифатида гапиряймиз. Биз мураккаб ва баҳсли чегара масаласини ҳал қилиш узоқ вақт талаб этади деб ўйлаб, умидсизликда яшадик. Бироқ уларнинг барчаси тезда ҳақиқатга айланди — аввал Ўзбекистон билан, кўп ўтмай Тожикистон билан чегараларимиз борасида муаммолар қолмади. 2025 йил март ойида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч давлатнинг чегаралари туташган нукта тўғрисидаги Шартнома ва Ҳўжанд декларациясининг

лишув асосида фойдаланиш масаласи эди. Илгари кескин келишимовчилик ва зиддиятларга сабаб бўлиб келган сув-энергетика соҳасида ҳам принципал ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон, Қозғонистон ва Қирғизистон ўртасида “Камбарота ГЭС-1” лойиҳасини биргалликда амалга ошириш тўғрисидаги битим имзоланиши қардошларча ҳамкорликнинг ёрқин далилидир.

Расмий Тошкент ва Бишкек ўртасида Чашма бўлоғидан биргалликда фойдаланиш тўғрисидаги келишув оқилона муроғаса мисол бўла олади. Бу мамлакатлар ўртасида сиёсий ишончини яратди. Мақолада сув ресурслари келажақда можаро нуқтаси эмас, балки қўшма ҳаракатлар манбаига айланиши таъкидлангани бежиз эмас. Сув ресурсларидан биргалликда самарали фойдаланиш минтақада электр энергияси тақчиллигини ҳам бартараф этади.

ИЛМИЙ-СИЁСИЙ КОНЦЕПЦИЯ

ташқи кучларнинг қуролига айланаётган чегаралар кесилишмасидаги барча масалалар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниди. Тарихий дўст ва қардош халқлар борди-келдисига тўсиқ бўлган деворлар олиб ташланади.

Кейинги йилларда рўй бераётган бу каби ижобий ўзгаришларни халқларимиз кундалик ҳаётда чуқур ҳис этмоқда. Янги ўтказиш пунктлари очилгани, авиақатновлар, темир йўл ва автобуслар йўналишлари йўлга қўйилгани ўзаро сайёҳлар оқимини бир неча бор ошириш, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш имконини беради.

Академик ҳамжамият ичидаги алоқаларнинг мустақамлашгани алоҳида эътироф этиш лозим. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг мустақамлашгани олимлар ўртасида яқин ҳамкорликни давом эттиришга туртки беради. Жумладан, Тожикистоннинг Сўғд вилояти ва Ўзбекистоннинг Учта вилояти — Тошкент, Фарғона ва Намангандан 40 дан ортиқ олимларнинг сайё-ҳаракатлари тўғрисида “Минтақалараро ҳамкорлик: Тожикистон ва Ўзбекистон иқтисодиётларининг барқарор ривожланиш истиқболлари ва омиллари” номили жамоавий монография нашр этилди. Ушбу тадқиқот 30 йил ичида биринчи қўшма лойиҳа бўлди. У икки қўшни давлат иқтисодиёт тизимларида кенг муҳоама қилинди ва амалиётга татбиқ этилди.

Сўғд вилояти олимлари Ўзбекистон ва Қирғизистондаги ҳамкасблари билан илмий ҳамкорликни давом эттиришга аҳд қилишди. Биринчи халқаро монографиянинг давоми сифатида кейинги ишлар Тожикистоннинг Сўғд вилояти, Ўзбекистоннинг Тошкент, Фарғона ва Наманган вилоятлари ҳамда Қирғизистоннинг Боткен, Ўш ва Жалолобод вилоятларини қамраб олади. У рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва инновацион ривожланиш шариотидида уч мамлакат ва яратилган қўшма корхоналарнинг энг яқин тажрибаларидан келиб чиқиб импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар соҳасида барқарор иқтисодий ривожланиш учун илмий асосларни ишлаб чиқишга қаратилади.

катлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2 марта ошиб, қарийб 11 миллиард долларга, ўзаро инвестициялар эса 5,6 баробарга етди.

Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек: **“Кўнчилиқ — хавф эмас, имконият, бир тарғининг мувафқияти — барчанинг ютуғи деган ягона минтақавий маконга мансублик ҳисси шаклланимоқда”.**

Кўп векторли сиёсий қарашлар аҳамияти

Ўзбекистон етакчиси концепцион чиқишида Марказий Осиё ҳақда тарққийётининг ҳозирги босқинчида олдимизда турган ўта муҳим масалалар ҳақида мулоҳаза юришиб, минтақа барқарорлиги ва ривожланиш сурьатлари давомиёлигини таъминлаш учун бешта стратегик йўналишни алоҳида санаган. Улар орасидан энг муҳими сифатида ташқи сиёсатда келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш лозимлиги келтирилди. Бунинг исботи сифатида илгари ташқи ҳамкорлар алоқаларни, асосан, икки томонлама асосда қурган бўлса, бугунги кунда дунёнинг етакчи давлат ва бирлашмалари Марказий Осиё билан муносабатларни яқлит минтақавий шерик сифатида ривожлантираётгани айталади.

Марказий Осиёни глобал ҳамкорлик марказларидан бирига айлантиришнинг ушбу стратегияси афзалликлари шундаки, бунинг натижасида минтақанинг геосийсий аҳамияти ошади, инвестиция ва технологиялар оқими кўпаяди, экспорт бозорлари кенгайди, кўп векторли ташқи сиёсат шаклланади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласида кўтарилган масалалар минтақа ривожланиши, барқарорлиги ва истиқболлини белгилаб берувчи илмий-сиёсий концепция сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Унда илгари сурилган ғоялар нафақат Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, балки минтақанинг глобал сиёсатдаги родини кучайтиришнинг назарий ва амалий асосларини белгилаб беради.

Абдушўқур НАЗАРОВ,
Тожикистонда хизмат кўрсатган фан ва техника
арбоби, Халқаро олий мактаб фанлар
академияси академиги, иқтисодиёт фанлари
доктори.

Самарқанд шаҳридаги энг муҳим тарихий объектларни боғловчи 6,6 километр узунликдаги туристик маршрутни ташкил этиш бўйича «Самарқанднинг мерос йўли» лойиҳаси рўёбга чиқарилади.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР



Аслида, тарихда не бир савдо-ларни кўрмади бу маскан. Илк бор 1979 йилда ташкил этилган туман узоқ йиллар имкониятлардан эътиборсиз қолиб, 1988 йилда тугатилди. Тўқсонинчи йилларнинг бошига келиб яна туман сифатида тугилиб, 2004 йилда Кегайли тумани таркибига қўшилди. 2019 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари билан туман янгидан ташкил қилинди. Қисқа фурсатда Бўзатов улкан имкониятлар худуди сифатида янги марраларни забт эта бошлади.

касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашув ўтказди. Ушбу мулоқот қорақалпоғистонликлар учун ҳақиқий шодиднага айланди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши раиси Улуғбек Жалменов. — Қорақалпоғистон Республикасининг энг чека овулида “Бўзатов” санаторийси фойдаланишга топширилди. Аҳоли қувончи чексиз. Янги санаторий нафақат дам олиш, балки соғломлаштириш, маънавий хузур бағишлаш маскани сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ҚАДРИН ТОПГАН ҚУТЛИ БЎЗАТОВ

Бўзатов — Қорақалпоғистон элининг қутли маскани. Ери унмдор, суви тоза, одамлари софдил, миришкор. Муҳими, бугун бу ерда яратилган шароитлар шаҳарниқадан асло қолишмайди: кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, минг ўринли амфитеатр, спорт майдони, Ёшлар маркази, тўқимачилик корхонаси...

Ойдин йўлда

Санаторий 200 нафар дам олувчига бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсата олади. Йилга эса 6000 нафар фуқаро сув муолажалари, физиотерапия ва бошқа замонавий тиббий хизматлар орқали соғлигини тиклаш имконига эга. Бу ерда 6 қаватли шинам ётоқхоналар, 2 қаватли даволаш маркази, замонавий ошхона ва маданий клуб, фин ва турк ҳаммомлари, ёпиқ бассейн, шунингдек, оилавий кotteжлар ва бошқа инфратузилмалар мавжуд. 12,5 гектар майдонни эгаллаб турган санаторийнинг 6,3 гектари мевали боғлар, 4 гектарига манзарали ва чим дарахтлар экилган. Кўёш панеллари орқали қайта тикланувчи энергия манбалари ҳам яратилди. 124 миллиард сўмлик ушбу лойиҳа орқали 120 нафар мутахассис учун доимий иш ўринлари очилди. Бу эса, ўз навбатида, тур-

ман аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. — Бу санаторий халқимиз орзусидаги дам олиш ва саломатлигини тиклаш масканидир, — дейди бўзатовлик нуруний Қудайбергел Тилеулиев. — Шу яқин йилларда туманимизда бундай замонавий масканлар қурилишини бирор айтса, ишонмасдик. Бўзатовда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ёш авлоднинг таълим олиши, спорт билан шуғулланиши, аҳолининг бандлигини таъминлаш, нурунийларнинг дам олиши учун барча шароит яратилмоқда. Яқинда Амударё устига қурилган кўприк Қорақалпоғистоннинг шимолида жойлашган 8 та туман орасидаги транспорт қатновидаги йўлни қисқартириб, халқимизнинг узогини яқин қилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши томонидан ҳозирги кунга-

ча 11 стационар турдаги оромгоҳда жами 37 минг 421 нафар бола, 69 та маданият ва спорт майдончасида эса 83 минг 753 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди. Бундан ташқари, 12 минг 909 нафар ишчи-ходим юртимиздаги санаторийларга юборилди. Бир вақтлари Қорақалпоғистон “Швейцарияси” номи билан донг таратган, кейинчалик эътибордан бироз қолиб кетган туманда ҳозирда қайта ҳаёт жўш урмоқда. Янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган санаторий юрдошларимиз, айниқса, нурунийларнинг дам олиши ва соғлигини тиклашда имкониятларни янада кенгайтирди. Қорақалпоғистонда янги, замонавий ва маҳобатли санаторийнинг ишга туширилиши Бўзатовда янги ҳаёт бошланганининг яна бир ифодасидир.

Файрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»)



МУЗЕЙГА ҚАЧОН БОРГАНСИЗ?

Термиз шаҳрида фаолият юритаётган минтақамиздаги ягона Археология музейи, “Термиз” давлат музей-кўриқхонаси, Термиз ва термизийлар мероси тарихий музейи нафақат воҳа, балки бутун мамлакат илмий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Кўп минг йиллик тарихга эга бу шаҳардаги музейларда воҳанинг бой ўтмиши, маданияти ва буюк аждодларимиз қолдирган илмий меросини ифодаловчи 200 мингдан ортиқ осориюраклар, археологик топилмалар ва нодир манбалар сақланмоқда. Бу жойлар ёшлар учун ҳақиқий маърифат хазинаси, тарихни тереңроқ ҳис этиш имкониятидир.

Таклиф биздан...

Афсуски, бугун музейлар залларида ёшларнинг ихтиёр қадими кам. Масалан, Термиз археология музейи тарих ва маданиятнинг тарих манба бўлса-да, унинг жонли муҳитида ёшларнинг ўз билимларини қозитиш учун келгани, қизиқиш билан саёхат қилгани кам бўлган. Бу ҳолат нафақат Термизда, балки бутун мамлакат бўйлаб сезилаётган умумий муаммага айланган: ёшлар ва музейлар ўртасидаги масофа тобора узяётгандек. Сабаб нима? Тарихга бўлган қизиқиш сўнмоқдами ёки маданий зулм пайдо бўлди? Масала, аслида, фақат вақт ёки имкониятга эмас, балки муносибатда. Таълим тизимида тарих фанининг руҳий-тарбиявий қиммати камгайиб, у фақат саналар ва воқеалар йиғиндисига айланган қолгани натижасида ёшлар тарихни ҳис этмай қўйди. Замонавий технология, ижтимоий тармоқлар, тезкор ахборот оқими эса уларни экран ортидан билим олишга ўргатди. Улар учун “кўриш” эмас, “лайк бошиш” қизиқарлироқ бўлиб қолди. Шу орқали тарих билан жонли мулоқот зулмиди. Ёшларнинг музейга етаклайдиган биринчи инсон, шубҳасиз, ота-она. Аммо кўпчилик ота-онанинг ўзи бугун музей эшигини ҳатламайди. Холбуки, Термиз археология музейи жаҳондаги кўплаб илмий марказлар ҳавас қиладиган даражадаги бой манбага эга. Музейнинг нузматасида бўлимида минтақа тарихини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўрганиш учун жуда муҳим бўлган тангалар, кўҳна қоғоз пуллар жамланган. — Термиз археологик музейида турли даврларга оид тангалар, масалан, қушонлар, грек-бактрия, сонсийлар, салжукийлар, нурийлар ва бошқа сулолалар даврида зарб этилган нузматик ёдгорликлар сақланади, — дейди археолог Тўхташ Аннаев. — Бу ашёлар Сурхон воҳаси қадимдан савдо-сотик, иқтисодий муносибатларда фаол бўлганини исботлайди. Буларни китобда ўқиш мумкин, лекин музейда уларни кўз билан кўриш, ушлаш ҳис қилиш бошқа дунё. Бироқ бугун ёшлар кўпроқ виртуал дунёда боши айланиб кезиб юрибди. Тарихий мерос ҳақида ролик кўради, аммо унинг ортида турган ҳақиқий буюмини кўриш учун бир қадам ташламайди. Шу ерда савол туғилади: нега биз ўз тарихимизни “масофа”дан севяптимиз? Термиз археология музейи директори Мансур Нормўминов бу ҳақида шундай дейди: — Бугунги ёшлар орасида музейларга қизиқишни юқори, деб бўлмади. Тўғри, таълим муассасалари ёки тадбирлар доирасида келишади, лекин ихтиёрий ташриф жуда кам. Музей — бу жонли тарих. Бу ерда Ватанин севши, ундан гурурланиш ҳисси уйғонади. Истардикки, ота-оналар фарзандларини музейга олиб келишсин. Зеро, тарихни кўз билан кўрган бола унинг қийматини юракдан ҳис қилади. Аслида, ёшлар билан музейлар орасидаги масофани қисқартириш учун фақат тадбир эмас, тизимли ёндашув керак. Таълим муассасалари ва музейлар ўртасида ҳамкорликни қучайтириш лозим. Ҳар бир тарих дарсида “музей соати”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Музейларнинг ўзи ҳам замонавий форматда ёшларга яқинлашиши зарур: интерфаол экскурсиялар, виртуал турлар, ижтимоий тармоқларда жонли эфирлар — буларнинг ҳаммаси музейи “жонли макон”га айлантиради. Ота-оналар ва маҳалла даражасида “маданий туризм” ташаббусларини йўлга қўйиш вақти келди. Маҳаллаларда оилалар ўртасида музейлардаги экспонатлар бўйича турли кўрик-танловлар ўтказиш, музейларга саёхат уюштириш оилаларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш керак. Ишонинг, бундай тадбирлардан фақат жамият кўпроқ манфаат кўради. Республика миқёсида таълим-тарбия масканларидаги ўғил-қизларни, фақат Термиз шаҳрига эмас, балки худудлардаги музейларга саёхатини тез-тез ташкиллаштириш ҳам ёшлар ва музейлар ўртасидаги масофани қисқартиришга олиб келиши, шубҳасиз,

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»)

ТИЛЛО ИПАКЛАРИДА МЕҲРИМ БОР

Марғилон — азалдан хунармандлар юрти. Кўҳна кентга ипакчилар шаҳри мақоми берилгани ҳам беҳиж эмас. Бу ҳудудларда ота-боболардан мерос юмушлар авлоддан-авлодга ўтиб, ўзгача меҳр ва иштиёқ билан давом этмоқда.

Қадрият

Марғилоннинг ён-атрофидаги Тошлоқ, Қўштепа туманларида ҳам қадимдан хунармандчилик яхши ривожланган. Айни пайтда Қўштепада деярли ҳар бир маҳалланинг хунармандчилик соҳасида ўз удуми, анъаналари бор. Айтайлик, Сойбўйи маҳалла аҳолиси моҳир дўппидўзлик билан танилган. Бу соҳада эллик йилдан зиёд тажрибага эга Откаҳон Ҳакимова — маҳалла дўппидўзлари устози. У болалигида онаси Обидахон аядан дўппидўзликни ўрганиб, бир умр шу хунарга содиқлигини исботлади.



моқда. Бундан илҳомланган ҳолда дўппидўзликда ўз брендимизни яратишни мақсад қилганимиз. Шу сабабли доимо янги безаклар, жило ва нақшлар устида ишлаяптимиз.

Откаҳон опа ногиронлиги бор опасингилларни ҳам ённга олиб, хунарини ўргатиш орқали доимий иш ўрни ва даромадга эга бўлишига кўмаклашмоқда. Шу мақсадда “Тадбиркор аёл” уюшмаси Фарғона вилояти бўлими молиявий кўмакда Қўштепада ижтимоий лойиҳа амалга оширилиб, Откаҳон Ҳакимова раҳбарлигидаги “Универсал плюс” МЧЖда ногиронлиги бор шахсларни дўппидўзликка ўргатиш учун уч ойлик бепул ўқув курси фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда мазкур ўқув курсини تامомлаган 20 нафарга яқин II гуруҳ ногирони бўлган аёллар хунарманд билан ёнма-ён ишлаб, оиласига даромад келтирмоқда. Улар дўппини яримтайёр ҳолатта келтириб беришади, кейин иш жараёни давомида унга безак бериш ишлари амалга оширилади. Харидорга етказилади.

— Энди мен ҳам жамиятнинг фаол аъзосиман, умрим фақат уй юмушлари билан ўтмайди, — дейди II гуруҳ ногиронлиги бой Милоҳат Мамасиддиқова. — Дўппи тайёрлашда картон қоғоз, мағиз, астар, елим ишлатилмаган ўнга яқин жараёнларни тўлиқ ўрганиб олдим. Хунар турмушимга мазмун, оиламга барака олиб келди. Бугун ҳаётнинг жўшқин оқимидан четда эмаслигимдан беҳад мамнуман.

Тиниб-тинчимас Откаҳон опа ҳамма интилишда, истикболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ҳаракатида. Шу тариха янги йилда касаначилик асосида ишловчи дўппичилик кластери фаолиятини янада кенгайтириб, қўштепаник дўппидўзлар сонини икки ярим минг нафардан оширишни режалаштирмоқда. Бунинг учун меҳр ва иштиёқ бор. Энг муҳими, имконият ва салоҳият етарли. Яқин истикболда Қўштепа туманида хотин-қизлар тадбиркорлигида дўппидўзлик улкан тармоққа айланиб, худуднинг ўзига хос бренди сифатида эътироф этилишига ишонамиз.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»)

ЗАҲРИ НОЁБ, НАРҲИ БЕБАҲО

Саломатлик худоси Гея қадимда ўнг қўлида илон, чап қўлида қадаҳ билан тасвирланган. Қадаҳга ўралган илон рамзини тиббиётда тимсол сифатида қабул қилишини эса XVI асрда таникли шифокор Парацельс таклиф этган. Тажовузкор ушбу жонивор табиатнинг ажралмас бўлган ҳисобланиб, оғир хасталиклар шифосида дори-дармон хомашёсининг манбаидир.

Фармацевтика

— Илон ва бошқа қатор ҳашарот ҳамда ўргимчаклар заҳридан замонавий тиббиёт кўплаб касалликларни даволашда фойдаланади, — дейди Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурали Сафоев. — Дунё фармацевтика саноатида илон ва чаён заҳри энг ноёб хомашё сифатида қадрланади.

Афсуски, айнан шу имконият мамлакатимизда узоқ йиллар эътибордан четда қолиб, заҳарли ва заҳарсиз илонлар, ҳашарот ва ўргимчакларнинг билиб-билмай ёки атайин йўқ қилиниши оқибатида уларнинг айрим турлари бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида қолмоқда. Холбуки, энг хавфли жонотлардан бири чаённинг заҳри нафақат кучли заҳар, балки тиббиёт учун бебаҳо неъмат ҳам ҳисобланади. Уни йиғиш жуда мушкул, бир граммини олиш учун мингглаб чаёнларнинг заҳри керак. Шунинг учун ҳам унинг нархи балаҳор.

Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида фаолият йўлга қўйилган йирик питомник “BRAIN” савдо белгиси остидаги “Biotech Research and Innovation” МЧЖ илмий-ишлаб чиқариш комплекси ўткир заҳарли жониворларни кўпайтиришга иختисослаштирилган. Мазкур мажмуанинг серпентарий, виварий, инкубаторли террариум, биокимёвий лаборатория, ўқув маркази, ишлаб чиқариш омбори каби иншоотларида барча шароитлар яратилиб, ушбу мақсадларга 5 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция йўналтирилган.

— Мажмуада илон ва чаёнсимонлар оиласига мансуб жониворларни етштириш, уларнинг яшаш тарзи устида тадқиқот ва ўрга-

ниш ишлари олиб борилади, — дейди Навоий вилояти ҳоқими ўринбосари Элбек Гафоров. — Улардан олинмаган маҳсулотлар асосида турли фармацевтика ва косметика воситаларини тайёрлаш, заҳри асосидаги препаратларни сертифицирлаш, маҳсулот сифати бўйича халқаро стандартини яратиш каби илмий ва ишлаб чиқариш фаолияти олиб борилади.

Комплексада йўқолиб кетаётган илонлар, чаёнлар ва тошбақаларни сақлаш ҳамда кўпайтириш учун оптимал шароитлар яратилган. Бу ерда Зоология институти ҳамда Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти билан яқиндан ҳамкорлик қилиниб, олимларга назорат остидаги муҳитда тадқиқотлар ўтказиш имконияти ҳам тақдим этилган. Илмий тадқиқот лабораторияси ва виварий зардоблар ҳамда биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш учун заҳарли ўрга-ниш билан шуғулланади. Дастлабки босқичда питомникка 40 та заҳарли илон олиб келинган бўлса, яқин истикболда аҳолидан ҳам заҳарли илон ва чаёнларни сотиб олиш устида иш олиб борилмади.

— Мазкур йўналишда фаолият юритиш учун аввало, ҳуқуқий база талаб этилади, — дейди питомник раҳбари Шухрат Ражабов. — Заҳарли жониворларни табиий йўл билан кўпайтириш бир-икки йиллик вазифа эмас. Шу кунга қадар йиққан маҳсулотларимизга келсак, Хитой ва араб мамлакатларидан катта қизиқиш билдирилаётгани улар ўз эгасини топишига ва питомникимиз ривожланишига туртки беради.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»)

«Миниатюра санъати — ҳаётим мазмуни»

Бухоро шаҳридаги “Экобог” ёнидан хийла ўтгач пештоқига “Уста Даврон миниатюра маркази” деган ёзув туширилган шинамгина бинога кўзингиз тушади. Бу масканда халқ амалий санъати устаси, “Шухрат” медали соҳиби Даврон Тошев ва унинг шогирдлари ижод қилади.

Нафосат

— Миниатюра санъати ҳаётимнинг мазмунига айланди, — дейди мусаввир. — Шу санъат ортидан дунё кездим. Бетақдор табиатимиз, шарқона урф-одатларимиз, қадриятларимиз акс этган миниатюра асарларини евини икки ярим минг нафардан оширишни режалаштирмоқда. Бунинг учун меҳр ва иштиёқ бор. Энг муҳими, имконият ва салоҳият етарли. Яқин истикболда Қўштепа туманида хотин-қизлар тадбиркорлигида дўппидўзлик улкан тармоққа айланиб, худуднинг ўзига хос бренди сифатида эътироф этилишига ишонамиз.

танги кунга умид билан қарайдиган халқимиз. Асарларимизда ҳам шу руҳ бўй кўрсатиб туради.

Нозиктаб мусаввирига бундан бир неча йил муқаддам вилоят ҳокимлиги кўмаги билан бир гектардан зиёд-роқ ер ажратилган эди. У шу ерда бутун бошли марказ барпо этди. Тур-зор ҳам яратди. Ўқиб-ўрганиш, изла-ниш натижасида тугдан қадимий усулда ипак қоғоз тайёрлаш технологиясини ўзлаштириди. Қадимий усулда ипак қоғоз тайёрлаш ўта машаққатли юмуш саналади. Дейлик, тут пўстлогини керакли ҳолатга келтириш учун неча минг бор тўқмоқ урилади. Айнан, шу ипак қоғоз воситасида миниатюра асарлари яратилапти. Бу қоғоз пи-

шиклиги, асрлар оша оҳорини йўқот-маслиги билан ажралиб туради.

Марказ пахтачилик кластери каби ишлайди. Хомашё, яъни ипак қоғоз, бўёқ тайёрлашдан тортиб миниатюра асаригача — барчаси шу ерда ба-жарилди. Бу хоржий сайёҳларнинг қизиқишига қизиқиш қўшапти. Чунки хунармандчиликдаги бундай узвий иш жараёнини ҳар қаерда ҳам учратавер-майсиз.

— Хоржий сайёҳлар иш фаолиятимиз, кўрғазмаимиз билан танишмоқда, — давом этади суҳбатдошимиз. — Айриллари азбаройи қизиқишдан шу санъат сирларини ўргатишни сўрашади. Бажонидил, ахир ўзбек халқ амалий санъати сирларини ўргангани мингглаб километр йўл босиб келган меҳмонга биз йўқ, дермидик? Улар учун махсус машғулотлар ташкил этияпти, маҳорат сабоқлари ўтказяп-

миз. Мана шунинг ўзи ҳам кишига гурур бағишлайди.

— Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Беҳли каби мумтоз шоирларнинг асарлари биз учун ойлаб манба. Бир асар устида ойлаб вақт сарфлаймиз, — дейди Даврон ака. — Лекин меҳнатимиз маҳсулини кўрган-да чарчоқ унутилади. Руҳлантрииб, гайратимизга гайрат қўшаётган, илҳом бахш этаётган куч — бу шубҳасиз, давлатимиз томонидан биз, халқ амалий санъати усталарининг меҳнати қадрланаётгани.

Мусаввир шу фикрларни билдирар экан, марказ биноси олдида замонавий автобус келиб тўхтади. Даврон ака таъмилга кўра, хоржий меҳмонларга пешвоз чиқди. Бу галги меҳмонлар ҳам “Уста Даврон миниатюра маркази” билан танишувдан бир олам таассурот олиши тайин.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, истеъдодли rassom Кўчқорбой Акбаровнинг «Табиат ва мен» номли кўрғазмаси очилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Гезатимиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятга келган кўлаблар тақриз қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди.

Гезатимизнинг берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Гезатга тахририят қолмағлар марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Гезатимиз полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳис — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.00 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-6768